

Зиё НАЖМИЙ

=====*

ЗАНЖИРБАНД ШЕЪР

ДРАМАЛАР



«ХАЁТ» нашриёти

Андижон - 2004

84(59)6-6

Н. НАЖМИЙ

Ю 31996
281

Зиё Нажмий бир неча йиллардан буён драматургия жанрида астойдил тер тўкиб ижод қилмоқда. У «Сизга талпинаман», «Соғинч» шеърй китоблари муаллифи ҳамдир.

«Занжирбанд шеър» номли янги китобига тарихий мавзудаги: шоира Нодира ва Чўлпон ҳақидаги асарлари киритилди.

Ўзбек адабиётининг икки улкан вакили ҳақидаги мазкур драмалар азиз китобхонларга манзур бўлади деб умид қиламиз.


25-23-04

ХГ-НЗ _____ ША

29-ХІ-04

Зиё Нажмий. «Занжирбанд шеър» (Драмалар).

©. «Ҳаёт». А. 2004.



10

*Ушбу китобимни «Занжирбанд шеър» асаримда бош
рол - Абдулҳамид Чўлпон сиймосини юксак маҳорат билан
ижро этган инсон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
артист Саидахрор Улуговнинг порлоқ хотирасига
бағишлайман.*

ЗАНЖИРБАНД ШЕЪР

(Фожеа-фантазмагория)

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

1. АБДУЛҲАМИД СУЛАЙМОН ўғли ЧЎЛПОН - ҳаётининг сўнгги кунлари
2. СОЛИҲАОЙ - Чўлпоннинг умр йўлдоши.
3. ФОЙИҚАХОН - Чўлпоннинг синглиси.
4. ГАМЛЕТ - Шекспирнинг «Гамлет» фожеасининг қахрамони.
5. ИЛҲОМ ПАРИСИ - рамзий.
6. АЛИШЕР НАВОИЙ.
7. НОВВОЙ ҚИЗ.
8. БОЙВАЧЧА.
9. ШОИР ФИТНА.
10. ҲАСАДГҲЙ ЁЗУВЧИ.
11. ИҒВОҒАР ТАНҚИДЧИ.
12. ЁШ ШОИР СОТҚИНБОЙ.
13. МУСИҚА МУАЛЛИМИ.
14. Номаълум одам, шарпа, парилар, созанда, хонанда ва бошқалар.

1 ПАРДА.
БИРИНЧИ КЎРИНИШ.

Сўзсиз саҳна.

КЎЧА. Бир оддий одам атрофга қўрқинч билан аланглаб кириб келади. Саҳна ўртасига етай деганда нимадир орқасидан шитирлайди. У чўчиб орқасига қарайди. Яна қўрқа-писа эҳтиёткорлик билан чиқиб кета бошлайди. Шу пайт унинг изини пойлаб келаётган иккинчи одам кўринади. У ўзига хос эпчиллик билан ўзини йўлнинг гоҳ у четига, гоҳ бу четига олиб, биринчи одамга кўринмай, уни пойлаб чиқиб кетади.

Саҳна ичида илҳом париси кўринади. У оққушдай енгиллик билан шарқона бир куйга рақс туша бошлайди.

Шу пайт Чўлпон пайдо бўлади. У илҳом парисидан завқланади. Бутун диққати илҳом парисига қаратилган, атрофидаги воқеаларга эътибор қилмайди. Нималарнидир ёзади.

Шу пайт кўчада яна бир одам пайдо бўлади. У билинтирмай Чўлпонни кузатади. Саҳна ўртасига келиб одамлар томонга қараб ички бир ўқинч ва надомат билан ўз-ўзига гапиради.

ШОИР

Мен ҳам шоир, аммо нетай, буларни-
Кўролмайман, кўролмайман бир умр.
Ёнларида доим илҳом париси,
Ёзганлари элга маъқул ҳамиша.
Не қилайки, матбуотда тинимсиз,
Босилсада ёзганларим, эл мени-
Танимайди, ҳурмат қилмас улардай.
Мен билан халқ ўртасида гов улар.
Шунинг учун топиб улар айбини,
Фитна билан гумдон қилмоқ истайман!

Секин пойлаб саҳнанинг бир четига ўтади. Саҳнага иккинчи одам кириб келади. У ҳам Илҳом парисини кузатаётган Чўлпонга қарайди. Ва аста саҳна олдига келади.

ЎЗУВЧИ

Ўзувчиман, ёзганларим не сабаб,
Буларники каби элга маъқулмас.
Бу ҳол менинг ичу-бағрим кемириб,
Юрагимни ҳасад билан тўлдирди.
То Чўлпонни йўлдан йўқотмагунча,
Тинчим бўлмас, тинчим бўлмас сира ҳам.
Айбин топиб авахтага тикмасам,
Ҳасд ўтим ўчмас абад ловуллаб!!!

Саҳнанинг яна бир бурчагига бориб пойлай бошлайди. Учинчи одам ҳам киради. У ҳам Чўлпонни қузатади.

ТАНҚИДЧИ:

(Чўлпонни имлаб кўрсатади)

Шоир эмиш, ҳанузгача билмайди
Танқид қилиб ёзган чиқишларимни.
Бировига жавоб ёзмас, итвачча!
Ўз наздида гўё катта, зўр олим.
Бу ёқдаги одам асло одаммас.
Шундай бошлаб бир адабин берайки,
Халқ душмани бўлганин билмай қолсин!

У ҳам Чўлпонни пойлаб бир четга ўтади. Тўртинчи одам саҳнага кириб келади. У ҳам Чўлпонни қузата бошлайди.

ЁШ ИЖОДҚОР

Комсомолман, юртнинг келажагиман,
Ижод қилиб элга хизмат қилмоқни-
Ҳоҳлаб, мен шу Чўлпон деган шорига,
Шогирд тушдим, аммо унинг ватанга,
Хиёнатин кўргач, чидолмай қолдим.
Давримизнинг одамимас бу одам.
Ёт гоёли бу шоирлар дарахтдай говлаб,
Кун бермайди сира биздай ёшларга.
Шунинг учун ёлгон гапга чин қўшиб,

Йўл бўшатай ёруғ куним учун тез.
Бу йўлимда менга тиргак НКВД!

Саҳнанинг тўртинчи бурчагига бориб кузата бошлайди. Чўлпон ҳануз Илҳом парисининг ўйинига маҳлиё. Улар тўртта томондан сиқиб кела бошлайдилар. Илҳом париси ва Чўлпон саҳна ўртасида уларга аланглаб қараб туриб қоладилар. Улар тўрттови ваҳимали тарзда қўлларини юқорига чўзиб, Чўлпон ва Илҳом париси устида бирлаштирадилар. Даҳшатли мусиқа янграйди. Чироқ ўчади. Чироқ ёнганда саҳна ўртасида кишанланган Чўлпон ҳолсиз ётган ҳолда намоён бўлади.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Чўлпон аста бошини кўтарайди. Атрафга мажнуннамо боқайди. Илҳом парисини излайди. Тополма йди. қўлларига қарайди. Кишанларга боқайди. Кўзларига ишонмайди.

ЧЎЛПОН

Зулмат қаъридаги зах босган кулба...
Не-не тутқунларнинг сўнгги макони...
Мен - Чўлпон, эл суйган, кўкка кўтарган...
Наср ва назмнинг содиқ куйчиси...
Бугун ўлимтикнинг ҳиди анқиган...
Энг ваҳший қотилга ярашиқ бўлган,
Шу бадбўй кулбада тутқунман наҳот?!...
Шунга лойиқмиди қилган ишларим?!...
Наҳотки кимгадир керак шу қадар,
Менинг тирик жисмим маҳву сароби...
Йўқ... Бу бир янглишиш... Машъум бир хато.
Шўрлик пешонамга битилган тақдир!

ГАМЛЕТ (аста кириб)

Ҳа, бу чиндан ҳам машъум мусибат.
Барча оқилларнинг бошига тушган,
Олдиндан ўйланган даҳшатли режа...

ЧЎЛПОН

(гарансиб)

Айт, кимсан сен?!...

Арвоҳмисан ёхуд шайтонмисан, айт?!...

Агар Шайтон бўлсанг, Худо ҳаққи, қайт!

Танлаган йўлингдан қолмагин сира!

Магар одам бўлсанг ёруғ дунёдан,

Забардаст қуролли соқчилар билан,

Ўралган зог кирмас ушбу метиндек

Мустаҳкам деворлар ичра қай кучла,

Қайси йўсин билан кира олдинг сен?!

ГАМЛЕТ

Мен - Гамлет! Дониё қиролин ўғли!

ЧЎЛПОН

Ё, Раббий! Ақлимни омон сақлагин,

Тирикманми ўзи, ёхуд ўликман?!!

Тирик бўлсам, нечун менинг теграмда,

Тирикдай юрибди безовта руҳлар?!!...

ГАМЛЕТ

Ақлим танибманки, қувгинда руҳим,

Теграмда қабоҳат ғужғон ўйнайди.

Юзимга кулишиб боқарлар, аммо

Ортимдан игво-ю фитналар ясаб,

Мен зиндон деб атаган юртим Даниядан

Амаким қувгинга олганди бир вақт.

Бугун эса ушбу лахатдай бадбўй,

Зим-зиё зиндондан, эй Тангрим, мени,

Қувмоқ истайдилар безовта руҳим...

Майли, кетсам кетай бундан нарига!...

ЧЎЛПОН

Йўқ, Тангрим!!! Кетмасин! Майли, у қолсин!!!

Фақат у сўзласин яхши кечмишдан.

ГАМЛЕТ

Кечмишим ҳаммаси алам, изтироб!

Руҳимга омухта хиёнат заҳри.

Қалбимнинг ардоғи Офелия ҳам,
Мени тушунмаган! Ожизлик қилган!
Бас! Шундай аҳволда безовта руҳим.
қайси яхши ҳолдан сўзлар бу фурсат?!...

ЧЎЛПОН

Муҳаббат... Муҳаббат бор-ку оламда,
Унинг такрорланмас илк латофати,
Ҳамон жилваланар кўзим ўнгида!...
Чироқ ўчади. Муסיқа.

УЧИНЧИ КЎРИНИШ.

Чироқ ёнади. Саҳнанинг иккинчи бир бурчаги ёритилади. Ёш кувёв
- *Чўлпон олис сафардан қайтиб, қўлида жомадон билан кириб*
келади.

ЧЎЛПОН

(қатик овоз билан)

Ассалому алайкум, бону, бормисиз?!...
(Солиҳа ичкаридан чиқади)

СОЛИҲА

Келдингизми?!... Хуш келибсиз, шоирим!...

Бахтиёр ёшлар бир-икки қадам босиб бориб, яқин боргач,
тўхтаб, аста қўлини узатадилар. Чўлпон Солиҳанинг қўлидан ушлаб
бағрига тортмоқчи бўлади).

Вой, вой, уят куппа-кундуз куни-я?!...

ЧЎЛПОН

Соғинган қалб учун вақтнинг фарқи йўқ,
Ахир, тугаб битган сабру қарорим...

(яна бағрига тортмоқчи бўлади).

СОЛИҲА

(Ўзини Чўлпоннинг огушидан қутқариб)

Вой, қўйсангизчи, бесабр шоир,
Шунча кунга етган сабру тоқатни,
Бир неча соатга етказинг яна...

Ундан кўра айтинг, фақиранингизга -
Нелар келтирдингиз олис ўлкадан?!...

ЧЎЛПОН

Совга сўраб чалғитмоқчи бўласиз.
Майли, совгам, аввал ўзим, сўнгра қалбим!...
Сизга бўлган муҳаббатим тотли ҳидини,
Доим аён айлаб турсин, дея у ёқдан,
Фарангистон боғларининг хушбўй гулларин
Ҳиди анқиб турган атрин келтирдим сизга!

(Солиҳага атирни узатади. У атирни олади).

СОЛИҲА

(ҳидлаб кўради).

Бунча ширин, бунча ёқимли.

ЧЎЛПОН

Ушбу рўмол жамолингиз номаҳрамлардан
Мен йўқ чоғим паноҳ қилиб турсин ҳамиша...

СОЛИҲА

Шу холосми?!... Бу совғалар камлик қилар.

ЧЎЛПОН

(шаддодлик билан)

Ҳа, камига мана ўзим садоғаман,
Ширин жоним қурбон бўлсин ўзингизга,
Порлаб турган чарос каби кўзингизга.

СОЛИҲА

(яна баттарроқ эркаланиб)

Молингизу жонингизни қабул қилдим,
Хўш, камига яна нима келтирдингиз?

ЧЎЛПОН

Раҳм қилинг бу камтарин қулингизга,
Борин фидо қилди, ахир, шу дам сизга!

СОЛИҲА

Йўқ! Борингиз ҳали менга бермадингиз!
Рухингиз-чи?! Уни ҳадя қилмадингиз?!...
(Чўлпоннинг кўзи ёшга тўлиб қолган)

ЧЎЛПОН

Оооо... Руҳимнинг фидолигин айти, десам!
Эҳтиросу завқу шавқдан олдингизда,
Ожиз тилим боғланади, айтолмайман!
Руҳим ҳолин қалам битган оқ қоғозга!!!

*(Бир варақ қоғозни олиб узатади. Солиҳа олиб ўқий бошлайди.
Чўлпон овози, фонда шеър ўқийди).*

Гўзалларнинг маликаси экансан,
Буни сенинг кўзларингда ўқидим.
Ўқидимда истиқболим қушига,
Хаёлимдан олтин қафас тўқидим.
Бинафшалар қулоғимга мадҳингни,
Сўзлаб, сўзлаб чарчадилар, битмади!
Аламзада булбул йиғлаб кечалар,
Аламингнинг сўнгин тамом этмади.
Йўлларингда шитир этса тушган барг,
Қулоғимга мусиқалар келтирур,
Қачон сенинг мусиқали овозинг,
Сенинг мени суйганингни билдирур...

СОЛИҲА

(яна эркаланади).

Яхши-яхши лекин бу ҳам кам эрур.

ЧЎЛПОН

Шафқат қилинг, кўп қийнаманг қулингиз!...

СОЛИҲА

Нечун қийнай?!?! Руҳингиз банд этолмай,
Минг азобда қийналяпман ўзим ҳам!!!...

ЧЎЛПОН

Унда тингланг буни! Балки бу шеърим,
Қафасдаги қушдай бандингиз бўлган -
Юрагимни очиқ равшан кўрсатар...

*(Солиҳага иккинчи варақни узатади. У олиб ўқий бошлайди.
Фонда Чўлпон ва Солиҳа навбат билан шеър ўқийдилар).*

ЧЎЛПОН

Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,
Энг ёруғ юлдуздан сени сўрайман.
Ул юлдуз уялиб, бошини букиб,
Айтадир, мен уни тушда кўраман.
Тушимда кўраман шунчалар гўзал,
Бизданда гўзалдир, ойданда гўзал!!!

СОЛИҲА

Кўзимни сламан ой чиққан ёққа,
Бошлаймен ойданда сени сўрмоққа,
Улда айтадирки: қизил ёноққа,
Учрадим тушимда, кўмилган оққа.
Оққа кўмилганда шунчалар гўзал,
Менданда гўзалдир, кунданда гўзал!!!

ЧЎЛПОН

Эрта тонг шамоли сочларин ёзиб,
Ёнимдан ўтганда сўраб кўраман.
Айтади: бир кўриб, йўлимдан озиб,
Тоғу тошлар ичра истаб юраман!
Бир кўрдим мен уни шунчалар гўзал,
Ойданда гўзалдир, кунданда гўзал!!!

СОЛИҲА

Ул кетгач, кун чиқар ёруғлик сочиб,
Унданда сўрайман сенинг тўғрингда.
Улда уятдан беркиниб, қочиб,
Айтадир: Бир кўрдим тушдамас, ўнгда,
Мен ўнгда кўрганда шунчалар гўзал,
Ойданда гўзалдир, кунданда гўзал!!!...

ИККОВИ

Мен йўқсил на бўлиб уни суюбман,
Унингчун ёнаман, ёниб куйибман,
Бошимни зўр ишққа бериб қўйибман,
Мен суюб... мен суюб... кимни суюбман?!!!
Мен суйган суюкли шунчалар гўзал,
Ойданда гўзалдир, кунданда гўзал!!!...

(Солиҳа жим туриб қолади).

ЧЎЛПОН

(афсусланиб)

Шеърларим ожиздир, англамас қалбим...

СОЛИҲА

Англатар, англадим ошиқ қалбингиз.

ЧЎЛПОН

Кўзларим кўрмайдур англаганингиз.

(Солиҳа секин келиб Чўлпоннинг елкасига бошини қўяди).

ЧЎЛПОН

Чин бирлик шу... ҳақиқий бирлик!...

ИККОВИ

Илоҳим бизларни ҳеч айирмасин!!!!...

1 ПАРДА

4 КЎРИНИШ.

(Чироқ ёнади. Яна турма намоён бўлади).

ГАМЛЕТ

Ё, Раббий!!! Ё, Раббий!!! Бу қабиҳ дунё,

Роҳатлари нақадар тубан ва олчоқ,

Бўлиб кўринади менинг кўзимга...

Бу каби лаззатли онлар ташрифиди,

Эсимга солади жирканч кунларни!

Йўқ... Бас энди бу тўғрида ўйлаш!!!!...

Шўрлик отам тобутини кузатиб,

Необоя каби кўзин ёшига,

Ғарқ бўлибон қабристонга борганда

Кийган ковуши ҳали эскирмай туриб,

Онам - наҳот шундай хотин... Ё, Раббий!!!

Амакимга рози бўлди тегишга.

ЧЎЛПОН

Аёлларни хиёнат кўчасига,

Алдаб, авраб олиб кирган ким асли?!

Ер юзида шундай эркаклар борки,

Улар учун ҳис-туйғунинг ўзи йўқ.
Буқанамо бир пода сигир ичра,
Юрса ҳамки, нариги яйлов аро,
Юрган бошқа бир сигирни кўрган чоғ,
Забт этмоқни истайдилар уни ҳам.
Новвой қизим, дил ардоғим ўшандай,
Бойзаччанинг ҳайвоний ҳирсларига,
Қурбон бўлган эди ўша машъум кун.

Бошида сават кўтарган новвой қиз сахнанинг бир четида пайдо бўлиб ўта бошлайди. Чўлпон ва Гамлет қоронгуликда уни кузатиб турадилар).

НОВВОЙ ҚИЗ

Иссиқ нон, кеп қолинг, оп қолинг!!

БОЙВАЧЧА

(Остонадан уни чақиради).

Ҳой, қизча, кел, қани, нонингни кўрай,

Иссиқми ишқилиб, ҳа яхши, яхши...

Чошгоҳда зиёфат уюштирурмиз.

Шу сабаб нонингнинг барин олурман.

Қани, кир, киравер, аянглар олур...

(Новвой қиз ичкарига киради. Бойвачча эшикни ёпиб киради).

(Чўлпон билан Гамлет қоронгу бурчакдан уларни кузатиб туради).

НОВВОЙ ҚИЗ

(ичкаридан)

Вой, тегманг! Тегмангиз!... Нима қиляпсиз?!...!

ЧЎЛПОН

(Турган жойида изтироб билан).

Ана, у ит итлигин бошлади, Ё Раб!

БОЙВАЧЧА

(ичкаридан)

Кел, энди, ноз қилма, жоним, бу қадар!

Мен йиллаб кутганман ахир бу кунни!!!...

НОВВОЙ ҚИЗ

Қўйворинг, додлайман, қўйворинг дедим!!!

БОЙВАЧЧА

Додлайвер, барибир ҳеч ким эшитмас.

НОВВОЙ ҚИЗ

(ичкаридан додлаб бақиради).

Қўйворинг, одамлар, ёрдам беринглар,
Инсофсиз! диёнат борми сизда ҳеч!

ЧЎЛПОН

(Ташқарида изтироб билан)

Шер чангали остида ётган охуга,
Ким ҳам ёрдам берар жонидан кечиб!
Қизга ёрдам бермоқ истаган кимса,
Бу иблис қўлида бўлган бойликнинг,
Бўғма илон каби бўғишларига,
Бардош бера олмай ўлиб кетади.

НОВВОЙ ҚИЗ

(ичкаридан бақиради).

Ойи... Ойииии... Ойижороон!!!....

(Гамлет тарашадай қотиб қолган. Чўлпон чуқур ички изтиробда.)

ЧЎЛПОН

Новвой қиз!... Новвой қиз!... Маъсума гўдак!!!
Сен латиф нафосат тимсоли эдинг,
Гул эдинг муаттар, алвон чехрали,
Қалбимнинг суюкли ардоғи эдинг...

(Ҳолсизланади. Ичкаридан бўшашган Новвой қиз чиқади. Унинг ортидан қўлида сават билан бойвачча чиқади).

БОЙВАЧЧА.

Вой-бу, бўлди энди... Шунга шунчами?
Бас қил! Ма! Ол! Нонингнинг пули!
Бари бир бир куни бошингда бор иш!
Ҳоҳласанг, бундан сўнг ёмон кўзлардан
Ўзим ҳимоямга оламан сени.

Сен бўлсанг келиб тур, хоҳлаган пайтинг!

(Новвой қиз силтаниб нари жилади)

Ҳа, намуна энди... Осмон узилдими?!...
Шунчаки бир мазза қилдикда ахир!

НОВВОЙ ҚИЗ

Мазза бўлмаи ўлсин...

(Бойвачча кулиб кириб кетади).

Ё, Раббий! Гуноҳим нимаиди менинг.
Сен менга бахш этган ҳусним айбимми?!...
Мен қандай қарайман энди ойнага?!...
Фахр этган чиройим узра чапланган,
Кўринмас балчиқдан ўзимни қандай,
Аввалги покиза, мусаффо ҳолга -
Келтира оламан энди, эй, Раббим!...
Мени дунёдаги барча нарсадан,
Ортиқ кўриб юрган дилбар йигитнинг,
Биллурдек мусаффо, пок севгисига,
Айт, қандай ўзимни лойиқ кўраман...
Ночор бандаларинг каби мен энди,
Сўнгги хулосамга бандиман, холос.

*(Новвой қиз йиглаб югуриб чиқиб кетади. Чўлпон унинг ортидан
изтироб билан боқиб қолади).*

ЧЎЛПОН

Ана, ўша буқа!... Бундайлар доим,
Маъсума ифбатли қизни забт этиб,
Унинг қалби узра гуллай бошлаган,
Муҳаббатни хор қилмоқ-чун яшайди!
Ер юзида қанча-қанча илк севги,
Мана шундай эшаксимон жонзотнинг,
Туёқлари билан ерга топталди.
Очилмасдан хазон бўлган бу каби,
Илк севгилар сағанаси устига,
Инсоният тортган тупроқ жам бўлса,
Ажабмаски, кўк тоқига етгудай -
Буюк бир тоғ барпо бўлса ер узра!...

ГАМЛЕТ

Хўп, у ҳолда менинг онам бегуноҳ,
Барчасига амаким айблими?!...

Йўқ-йўқ! Асло! Айбдордир онам ҳам!!!...
Ўша ифлос амаким таклифини,
Рад этмасдан, ризо бўлган аёл у!
Бу тўғрида илоҳий рухсат билан,
Менга далил берган отамнинг руҳи!

ЧЎЛПОН

Разолатга далил керак бўлса гар,
(чўнтагидан сурат олади)

Мана менинг қўлимдаги ишончли,
Дўстлар берган суйган ёрим сурати.
Шу бўлмаса ишонмасдим мен асло,
Жондан севган аёлимнинг шаънига,
Душманларим битган минг-минг бўҳтонга!
Фаришта деб ўйлаганим шунчалар,
Тубанларнинг ичидаги энг тубан,
Ҳиссиётнинг қули эканлигини,
Менга кўрсатувчи очиқ далил бу!

(чироқ ўчади).

*(Саҳнада Солиҳани кузатаётган муסיқа муаллими ва Солиҳа
намоён бўлади. Уларни шоир беркиниб пойлайди. Солиҳанинг қўлида
дугтор бор.)*

МУАЛЛИМ

(эҳтирос билан)

Мен жуда мамнунман бугунги дарсдан.
Яхши ўзлаштира олдингиз уни.
Фақат авж пардани уйда бир карра,
Қайта ишласангиз кифоя холос.

СОЛИҲА

(эҳтирос билан).

Раҳмат, устоз! Мен ҳам жуда мамнунман!
Хўп, яхши қолинг, майли, мен борай!

МУАЛЛИМ

Шошманг, яна бир гап! Эртан кун бўйи,
Мен бўшман! Агарда вақтлироқ келиб,
Шу жойда соз чалиш машғулотингиз

Бажарсангиз, рости, устозингизни -
Беҳад мамнун қилган бўлар эдингиз!

СОЛИҲА

(бир оз ўнгайсизланиб).

Агар сизга малол келмаса, унда,
Келарман вақтлироқ, чунки ўзим ҳам,
Шоирсиз ёлғизман! Улар сафарда!

МУАЛЛИМ

Ҳаа! У ҳолда, жуда соз!
Унда сизни қийнаб бунда чақирмай,
Уйингизга ўзим борсам бўлмасми?!...

СОЛИҲА

Нима десамикин... Майлига, устоз!
Қай бири сизга маъқул бўлса,
Бу бизга маъқул...

МУАЛЛИМ

Унда мен бораман эртароқ, хўпми?...

СОЛИҲА

Майлингиз, устоз. Хайр, яхши қолинг!...

МУАЛЛИМ

Хайр, яхши боринг, суюкли шогирд...
(Солиҳа чиқиб кетади. Шоир келади).

ШОИР

Салом, салом дўстим! Ишлар зўр-ку-а!?...
Зўрсиз, аммо қойил, сизга! Тасанно!...

МУАЛЛИМ

(ҳазилнамао)

Раҳмат, раҳмат, ёмон эмас авжимиз!

ШОИР

Ҳа, Ҳаа!... кимсан Чўлпоннинг хотинига,
Муסיқани ўргатувчи аллома,
Ёмон эмас авжим, деса, Ё Худо!!!
Авжим баланд, десам, дунё тамом, денг?!!

МУАЛЛИМ

(яна ҳазилнамо).

Йўғэй, шоир, бу нима деганингиз?
Мен шунчаки сал камтарлик қилдимда!
Сиз айтгандай анча баланд авжимиз.
Аммо чатоқ, ростин айтсам, завжамиз.
Бўлар - бўлмас нарсаларга рашк қилиб,
Бир йил аввал ташлаб кетди ношукур!!!

ШОИР

Тушунаман, сизга қийин, муганний!!!...
Хотинингиз, рости, сизни билмади!...
Кўр бўлади ҳали, мана, кўрасиз!!!!...

МУАЛЛИМ

(жиддийроқ).

Ким билади, шоир, балким Худойим,
Асли мени шундай сўққа бош қилиб,
Яратганми, дейман баъзан ўртаниб!?...

ШОИР

Эр кишига хотин олиш шарт эмас!
Айниқса у мусиқадан дарс берса!
Ёнингизда беданадай диккилаб,
Булбул каби сайраб турса ёш жувон,
Сиз «бўйдоқман» деб юрсангиз, суфсизга!!!
Эркак зотга ҳеч ярашмас бу қилиқ.

МУАЛЛИМ

Эй, қўйингей... ҳазилингиз бор бўлсин!...
Шоир, ахир, биласизку... бу аёл...
Кимсан шоир Чўлпоннинг тан маҳрами...

ШОИР

Қизиқмисиз, ким бўлса ҳам хотинда!...
Билишимча, Чўлпон анчадан буён,
Бедаво бир дардга дучор, дейдилар...
Диабитми?.. Қанд касалми?.. Шунақа...
Сиз биласиз қанд касалли эркакдан,

Аёллари доим куйиб юради...
Яъни куйиб қўқоридан, бечора,
Ичи ёниб, ташна юрар, илиқиб.
Попадаги ҳар қўқорга кўз сузиб...

МУАЛЛИМ

Шунақа денг, ўйловдима бунча ҳам,
Серҳарорат суркалмоқда менга, деб...

ШОИР

Ҳе, ўйламай ҳар балолар бўлинг сиз.
Билмайсизми, ўйчи ўйига етгунча,
Таваккалчи никоҳ тўйига етади.
Ўйланмасдан орқасидан борингда.
«Сегоҳ» чалиб, «Дугоҳ» айтиб, ўйнатиб,
Қизиғида босиб қолинг темирни.
Чунки, ўзи фурсат пишган, муғанний.
Чўлпон ҳозир уйда эмас, сафарда!
Боринг энди, қон босимингиз ошмасдан.

МУАЛЛИМ

Шундаймикин...

ШОИР

Ҳе, ўйланманг, бўлинг, боринг ортидан!

*(Уни туртиб йўлга солиб юборади). Қўйнидан фотоаппаратни
чиқариб ортидан кетади. Шу пайт сатҳида қўлида дутор билан
Солиҳа пайдо бўлади. Чўлпон ундан юз ўгиради.*

СОЛИҲА

Нима бўлди, шоир, нега сиз мендан,
Юзингизни тескари ўгирыпсиз?...
Нима... мендан хафамисиз, шоирим?!...

ЧЎЛПОН

Йўқ, йўқ, ўзим шундай, бир оз чарчадим.

СОЛИҲА

Чарчадим, денг, унда шу фурсатдаёқ,

Барча юмушларни тўхтатамизда,
Шу чарчоқни ёзмоққа жазм этамиз!

ЧЎЛПОН

Биз?!... Ким билан?!...
Яна ким бор сиз билан?!...

СОЛИҲА

Ким бўларди... кўлимдаги дуторда!
Яхши ҳамки, мени шундай чолғуга,
Ошно қилиб кўйганингиз, бўлмасам,
Сизнинг олис сафарингиз чоғида,
Ёлғизликдан ўлиб қолган бўлардим.

ЧЎЛПОН

Шунақа денг?!...
Мен сафарда юрган чоғ...
Сизни овулдими шу дутор?... Наҳот?!...
Балким билиб - билмай Шайтон измида,
Бошқа бирон кимса овунчоқ бўлиб,
Менинг йўқлигимни билдирмагандир?...

СОЛИҲА

Вой, бу нима деганингиз, шоирим?!...
Тавба денг-е, Худо ўзи асрасин!
Мен кўз очиб фақат Сизни кўрганман.
Сизу чолғу юрагимнинг ҳамроҳи.
Мана, тингланг, шу кунларда устозим,
«Галдир» куйин чалмоқликни ўргатди.
Кўшиқ матни сизнинг ўша шеърингиз,

(Бир жойга ўтириб, «Галдир» куйини чалиб, қўшиқ айта бошлайди)

Мен дутор бирлан туғишган кўҳна бир девонаман,
Ул туғишгоним билан бир ўтда доим ёнаман.
Дилларида ғам тўла бечораларга ёрман,
Вақти хуш, ғам кўрмаганлардан тамом безорман.
Мен дуторнинг торларига беркиниб олсам агар,
Пардаларнинг ҳар бири бергай бўлак ғамдан хабар.

Пардалар узра юриб турган одам бармоқлари,
Кўкрагимдан кўп босар шундан бўлар толмоқлари.
Икки торим қақшатиб бармоқлар ўтса тўхталиб,
Ғамли ун чи қмас ўшал торларда «Галдир» йиғламай.
Йўқ ишим ҳоким, амалдор, шоҳу ҳоқонлар билан,
Биргадурман доимо ҳамдард бўлганлар билан.
Аҳли ғамлари мен каби мажнунсифат, галдир бўлар!
Шул сабабдан банданинг номини «Галдир» қўйдилар.

ЁШ ЧЎЛПОН: Бас! Бас қилинг!...
(чиқиб кетади).

КАТТА ЧЎЛПОН

Бас! Бас қилинг...
Бармоғингиз чертмоғидан таралган,
Ҳар бир оҳанг юрагимга бир оғу,
Қани айтинг, сизнинг устозингиз ким?!

СОЛИҲА

(Ажабланиб)

Устозим... Сиз! Яна ўзингиз мени,
Олиб бориб таништирган созанда.
Чолғу сирин ўргатувчи муаллим.
Ул зотдан ҳам жуда-жуда мамнунман.

ЧЎЛПОН

Ҳааа... Мамнунсиз.... Жуда-жуда мамнунсиз...
Чунки сизнинг кўнглингизнинг торларин,
Худди ушбу дуторнинг торларидай,
Чертган бўлса кўнглингизга хуш ёқиб,
Унинг ифлос иссиқ бағри ичра сиз,
Қўй ёғидай эриб кетганингизни,
Сезиб - сезмай қолгандирсиз, малагим?!

СОЛИҲА

Бу не деганингиз, уят эмасми?!...
У шунчаки устоз менга, шоирим...
Зигирча ҳам бошқа туйғу ё истак,
Йўқдир менинг юрагимда унинг-чун!

ЧЎЛПОН

Ҳа... Сизда йўқ!.... Аммо унинг мўридай,
Қора кўнглин энг чуқур жойларида.
Дунёдаги энг заҳарли илондан,
Заҳарлироқ бўлган ана шундай ўй,
Борлигини билиб қолдим, афсус, кеч!

СОЛИҲА

Билиб қолдим?!... Ё, тавбаей, кулгули...
Бўлса бўлар, аммо мен ўз қалбимга,
Ўз севгимга туширмайман зарра доғ!
Бу ёғини гар билмоқчи бўлсангиз,
Сиздан кейин қолсам агар, мабодо,
Тўнингизни тўрига илиб, ҳаммага
Ўша менинг эрим, дея айтаман!
Турмуш қурмай ўтажакман бир умр!

ЧЎЛПОН

(Солиҳага қараб, изтироб билан).

Бир илтимос, фақат, мени алдаманг!...
Сўзланг энди менга фақат ростини.
Устозингиз сизга ғараз ниятда,
Бирон бир иш қилганмиди илгари?!...

СОЛИҲА

Шоир, наҳот мени шундай енгилтак,
Ҳиёнаткор аёл деб ўйлагайсиз?!...
Билинг, сизга хиёнат қилмоқликдан,
Ўлим афзал эрур менга, шоирим!...
Ишқимиз ҳурмати, қасам ичаман!!!...

ЧЎЛПОН

Қасам ичманг! Акс ҳолда, қасамхўр,
Деган номни олмаслик-чун ўзингиз,
Ўлдирмоқдан ўзга чора қолмағай!...

СОЛИҲА

Ўз оғзига кучи етмас одамлар,
Айтган сўзга наҳотки ишонсангиз!!!....

Нима бўлди сизга, ахир, шоирим?!...
Ишонмангиз!... Ишонмангиз, уларга!...

ЧЎЛПОН

Ишонмайми?!... Хўш... Нимага ишонай?!...
Сизнинг ёлгон, риёларга ўралган,
Гапингизга ишонайми, бўлмаса?!...

СОЛИҲА

Ахир, софман, покизаман, ишонинг!...
Олдингизда ҳеч гуноҳим йўқ менинг!

ЧЎЛПОН

Шунақа денг?!... Сиз софмисиз?!...
Тозамисиз бутунлай,
Вужудингиз биллур каби оппоқми?!...
Муғаннийнинг ғараз ниятли, ифлос,
Кир қўллари сизнинг нозик белингиз,
Қайриб тортмаганми, сира, ўзига?!...

СОЛИҲА

Шоир... Уят!... Уят!... Уялинг, ахир!...

ЧЎЛПОН

Уят, иффат тўғрисида, илтимос,
Фақат сиз сўзламанг!!! Сўзламанг, зинҳор!...
Фақат меники, деб ўйлаганларим,
Бу мушкин сочларнинг ҳидини унинг,
Ифлос димоқлари сезмаганми ҳеч?!...
Шу ол дудоқлардан унинг лаблари,
Эркалаб бўсалар олмаганми, ҳеч?!...
Ё, Раббий!!!!... Бугун шу ёлгон гапларга,
Елкамда бошим-у, елкамда қалбим.
Бўла туриб қандоқ ишона олай!...

СОЛИҲА

Ёлгон, бу! Бу тухмат! Далилсиз бўҳтон!

ЧЎЛПОН

Ҳаааааа!!!!... Далил керакми, сизга!...
Унда, мана далил, кўриб завқланинг!...

(Чўнтагидан бир сурат олиб Солиҳага узатади. Солиҳа суратни кўриб, гарангсиз қолади). Олмоқчи бўлади. Чўлпон бермайди).

СОЛИҲА

Сурат?!... Йўқ... Йўқ... қандайин сурат?!...

Вой ўлмасам?!... Йўқ... Йўқ...

(Ортига тисланади).

ЧЎЛПОН

Рангингиз ўчмасин!... Титраманг!!!... Жоним!!!...

Ҳааа, бу сурат! У сизнинг қирқта туяга,

Юк бўлар макрингиз барин мажақлаб,

Ҳақиқат ўтида ёқиб ташлайди.

Менга ҳам бир умр ёруғ дунёда,

Хиёнат борлигин эслатиб турар!

СОЛИҲА

Ёлғон! Бу сурат ҳам сохта бутунлай!

Ё, Раб! Нима қилай?!... қайси гуноҳим,

Эвазига менинг ёлғиз бошимга,

Бунчалик тўхматлар тошин беаёв -

Ёғдириб ташладинг?! ... Гуноҳим нима?!...

(Дод, деб йиглаб чиқиб кетади. Оғир мусиқа чалинади. Илҳом париси кириб келади. Унинг қанотлари синган. Нозик қўлларида Чўлпонникидагидай кишанлар. Қадамлари оғир-вазмин. Чўлпон изтироб билан унга боқади).

ЧЎЛПОН

(Ички монолог билан).

Айй! Фариштам!... Нима бўлди сўйлагин?!...

Қани сенинг енгил-енгил учишинг?!

Хаёлимни бир лаҳзада фалакка,

Етказгувчи яшин каби кўчишинг?!...

Ким кишанлар солди нозик қўлингга?...

Латиф, майин қанотинг ким қайирди?!

Мени мафтун қилган ойдаи хуснингдан,

Қай шафқатсиз бир лаҳзада айирди?...

ИЛҲОМ ПАРИСИ

(Солиҳа овозида ички монолог билан жавоб беради). Рақсга тушади.

Бир маккорнинг қилган минг найранги,
Ўткир тигдай кесди латиф қанотим.
Севгингизга унинг урган зарблари,
Кишан бўлди менинг нозик қўлимга!
Унинг отган бўҳтонлари ҳуснимни,
Хира қилди! Чиройимдан айирди...
Узр, шоир, энди сизни севгининг
Боғларига бошламоққа ожизман.

(Оғир юриб чиқиб кетади).

ЧЎЛПОН

(Изтироб билан Гамлетга қараб)

Қай гуноҳим, қайси айбим-чун менинг,
Юрагимга бу қадар зарб бердилар?!
Нима билан энди ўзим овутай?!
Мажруҳ дилда ул покиза муҳаббат,
Мадҳиясин қандай куйлайман, дея,
Москов томон жўнаб кетдим ўша пайт.
Дардманд бўлиб юрсам ҳамки тинмайин,
Кўп асарни ўз тилимга ўгирдим!
Душманларим иғволардан тўхтамай,
Тинмай фи.на ясадилар теграмда!
Юрагимга зарб устига зарб уриб,
Забун қилиб ташладилар руҳимни!
Ўша чоғлар мен Гамлетга айландим...

(Гамлет сахна олдидан юриб ўтиб боради. Чўлпон биргаликда ўқийди).

Ё ўлиш, ё қолиш, шудир масала!
Қайси бири булардан бизга муносиб?
Шу дилозор фалакнинг таҳқирларига,
Шикоятсиз, шивасиз чидаб турмоқми?!
Йўқса, унга рад-бадал бериб қўзгалмоқ,
Қурол олиб, ё енгмоқ, ё, маҳв бўлмоқми?!
Ўлиш... Унутилиш, масала тамом.
Танимизга ўралган минг-минг ташвишнинг,
Занжирин илол абад узади ўлим!
Зотан дилнинг азамат армони шу-ку!
Ўлмоқ - гафлат тушида ўхламоқ демак!

Тушлар?!... Қандай тушлар, у?!... Тушлар эмиш-а?!...
Дунё туйғуларидан тикилган либос,
Гўрда ечиб олинган бўлса, у ҳолда,
Ўликлар уйқусига кирарми, тушлар?!...
Мана!... Ҳамма сирларнинг ҳикмати шунда!...
Мана, бизнинг ҳаётда ғамларимизнинг
Муҳлатин йилдан йилга чўзаётган сир!
Йўқса, шу киборларнинг жаҳолатига,
Ҳокимларнинг жабрига, сохта кибрига,
Шу мунофиқ муҳитнинг айёрлигига,
Бировига ҳасрат ҳам қилолмасликка,
Муҳаббатнинг хору зор эзилишига,
Мардакларнинг кўзларида ҳар қандай ҳиммат,
Анойилик саналиб топталишига,
Бутун бу разолатга ким чидарди, ким?!...
Ваҳоланки, ханжарнинг битта зарбаси,
Бу мужмал тугунларни ечар кўп осон.
Ўлимдан сўнг у ёқда нелар бўлғуси?
У қандай бир диёр-ки, унга борган кўп,
Аммо, ҳануз қайтолган бирор йўлчи йўқ!
Бу ваҳима ром этар иродамизни,
Номаълум бир диёрга қочишдан кўра,
Бизга таниш балога бўламиз рози!...

ЧЎЛПОН

Бўламиз рози? Ҳа! Бўламиз рози...
Йўқ, мен эмас, улар рози бўлдилар!
Ҳатто, хиёнатга қўл урдилар жим.
Бири ўз устозин, бири ўз дўстин,
«Замона зайли», деб сотиб юборди.
Мен ҳам шу риёкор зотларга ўхшаб,
Оқни қора десам кўзим чирт юмиб,
Айшу фароғатда ўтарди куним...
Аммо қиёматда Тангрим қошида,
Бebурд бўлиб сарсон, аросат йўлда,
Қолиб кетар эди шарманда руҳим!...
Менику, энди, майли бўлганим бўлди...
Лек, энди ёвузлар менинг касримга,

Қариндошларимни тинч қўймас, асло.
Шўрлик пешонамга манфурлар босган,
Ҳақорат муҳридан қариндошларим,
Эркин бош кўтариб юрмоғи қийин...
(Фойиқа пайдо бўлади).

ФОЙИҚА

Йўқ, йўқ, ака! Сира сиз ташвиш тортманг,
Қазою қадарга биз ҳам розимиз!
Сиздек бир шоирни қадрига етмай,
Турмага ташлаган бебурд кимсалар,
Бизга зулм қилмас, деб, хом хаёл ила,
Улардан мурувват, шафқат кутмоқлик,
Чаёндан асални умид қилмоғу,
Илондан қаймоқни тилашга тенгдир!
Биз бунга тайёرمىз, ака, ишонинг!

ЧЎЛПОН

Жон синглим, Фойиқам, Фойиқабонум,
Ҳеч фойдам тегмади акангиз бўлиб.
Ёрдам қилолмадим сизга оғадай!
Энди бундан буён ёзган шеърларим,
Уйимиздан чиқиб қолса тинтувда агар,
Сизнинг бошингизга кўп ташвиш ортар.
Шунинг-чун уларни ёқиб ташлангиз.

ФОЙИҚА

Ёқиб ташлаш!... Нима деяпсиз ўзи?!
Не, не мухлисларнинг қалбида қолган,
Сирли мисраларни, наҳотки, йиғиб,
Ёқиб юбормоқнинг имкони бўлса?!...
Қалбимиз қатидан жой олган абад!
Токи биз тирикмиз, асарларингиз,
Биз билан яшайди, ҳамиша, ҳар вақт!
Ўзингиз биласиз, қанча шеърингиз,
Менинг вужудимга айланиб кетиб,
Умрбод ёд бўлиб кетган-ку, ахир!

ЧЎЛПОН

Оҳ, синглим, шеърларим сен ҳам унутгин!

Ҳеч жойда ўқима уларни ошкор!
Чунки ушбу итдай исковуч зотлар,
Агар билиб қолса менинг ашъорим -
Бирор жойда ёддан ўқиганингни,
У ҳолда сенга кўп ёмон бўлади!

ФОЙИҚА

Майли, ёмон бўлсин, майли, майлига!
Бизни ҳам турмага ташлашсин, майли!
Уларнинг қалбига шу таскин берса,
Бизни ҳам сиз билан бирга қийнашсин!

ЧЎЛПОН

Йўқ, синглим, бу сўзни зинҳор ва зинҳор,
Оғзингга олмагин бундан кейин ҳеч!
Бу юртда Чўлпонга қариндош бўлган,
Кимсага кун бермас ёвузлар энди,
Шунинг-чун сир сақла менга туғишган,
Сингил эканлигинг бундан сўнг, синглим!

ФОЙИҚА

Ака! Бас! Сўзламанг бағримни тилиб,
Наҳотки ўзимнинг жонимни ўйлаб,
Жисмимдаги жондан, тандаги қондан,
Мен қандай тонаман, акажон, айтинг!
Ундан кўра мен ҳам шулар қўлида,
Жон таслим қилганим минг марта афзал!

ЧЎЛПОН

Йўқ, синглим, ундай дема, пайтлар келар-ки,
Мени оқлайдилар! Улуғлайдилар!
Ўша яхши кунлар келган дамларни,
Кўрмоқ-чун сен албат, яшашинг керак!

ФОЙИҚА

Ахир, Сизсиз бизга ўша фахрнинг
Ўша ифтихорнинг не кераги бор?!...!

ЧЎЛПОН

Жуда кераги бор! Менинг-чун керак!

Ижодимнинг қадр топган кунларин,
Авлодимдан биров кўрганин билсам,
Ўлган бўлсам, шу кун қабрим ичида,
Шодлик ва қувончга тўлиб, хотиржам,
Қиёматга қадар шодон ётарман!...
Агар, бирортангиз ўша кунларни,
Кўрмасангиз, у чоғ изтироб билан,
Очиқ қолар рўзи қиёматгача,
Дунёга тўймаган иккала кўзим!!!

ФОЙИҚА

Демак, улар ҳукми қатъийми, ака?!...

ЧЎЛПОН

Ҳукм қатъий, синглим, шикоят сиғмас!
Кел, энди. сен билан видолашайлик.

ФОЙИҚА

Йўқ, ака, сира ҳам ишонгим келмас!
Ахир, нима учун?... Нега, акажон?!...
Миллатим демаклик айбингизмиди?!...
Элни суйганингиз гуноҳингизми?!...
Юртни куйламоқлик хатойингизми?!...
Нега шундай ёрқин юлдузни улар,
Сўндирмоқ истарлар?!... Эй, Тангрим, нега?!...
Нега бу ватаннинг зукко зотлари,
Доимо ёвларнинг қўлида банддир?!...
Нечун бу ўлкада яшаётганлар,
Ҳимоя қилолмас ўз ўғлонини?!...
Ишонмайман сизнинг ўлишингизга ҳеч,
Ёлғон, денг, жон ака, ёлғон, денг ёлғон!!!!...

(Икки назоратчи Фойиқани судраб олиб чиқиб кетади. Фойиқа дод солиб чиқиб кетади).

ЧЎЛПОН

(Ортига қараб).

Ўлим ҳақ, жон синглим, на илож, энди?!...
Тақдирга шундай кун битилган бўлса?!...

(Саҳна ортидан қора кучлар Чўлпоннинг қўлёмаларини ёқадилар. Чўлпон ёнаётган қўёмаларга қарайди. Ўртанади.).

Алвидо, жигарим қонидан пайдо -
Бўлган мисраларим, алвидо энди!
Сиз асли одамлар кўнглига яқин,
Бўлганингиз учун юртпуруш, олчок,
Манқуртларга сира ёқмагайсизлар!
Қим сизни сақласа, ёхуд ўқиса,
Ёвузлар қаҳрига учраб бир зумда,
Отилиб кетиши ҳаммага аён.

Шунинг-чун розиман, ёнинг, майлига!...

(Саҳна ортида аланга пайдо бўлади. Гамлет ёнаётган қогозлардан бирини олади.)

ГАМЛЕТ.

(шеърни ўқийди).

Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдимку!
Асрлик тош янглиғ бу хатарли йўлда қотдим-ку!
Карашма денгизин кўрдим, на нозли тўлқини бордир,
Ҳалокат бўлгусин билмай, қулочни катта отдим-ку!
Ажаб дунё экан бу ишқ дунёси, аё, дўстлар!
Бу дунё деб, у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку!
Унинг гулзорида булбул ўқиб қон айлади бағрим,
Кўзимда ёшни жў айлаб, аламлар ичра ботдим-ку?!
Қаландардек юриб дунёни кездим топмайин ерим,
Яна кулбамга қайғулар, аламлар бирла қайтдим-ку!
Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,
Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку!

ЧЎЛПОН

Ерга ботдим-ку..., ерга ботдим..., йўқ, йўқ!
Мен ботмоқни истамас эдим,
Ижод осмонига неча асрлар,
Порлаш ниятида кўтарилгандим!
Бироқ сотқинликнинг оташ ўтидан,
Пайдо бўлган қуёш кутилмаганда,
Мавҳумлик уфқининг зулмат қаърига,
Мени ботмоқликка мажбур айлади...
Эй, пирлар! Устозлар! Айтинглар менга,
Макр ва ҳийладан бинога келган,

Бу қуёш ўзининг уфқига қачон,
Бош қўйиб даф бўлар юртнинг бошидан!

*(Маъхум хоризжий мусиқа бағрини ёриб узоқ-узоқлардан сатода
«Сегоҳ» ноласи янграй бошлайди. қоронғулик бағридан ҳазрати
Ҳизрсифат оқ салла, оқ чопон, яшил чакмон кийиб, қўлида ҳасса
тутган Мир Алишер Навоий пайдо бўладилар.)*

МИР АЛИШЕР

Даҳр ишидин бунча ўртаб, куйма тез,
Чун азал олим хор-у, жоҳил азиз!
Гар жаҳон ёқлар экан зулмни абад!
Мева ерда хор-у зор, шохча баланд!

ЧЎЛПОН

Ҳазрат Навоий?!... Устози аввал?!..

МИР АЛИШЕР

Жаҳон ўзига зулмни касб айласа,
Итнинг боши чиққуси мис тобоққа!
Разолат ривожда, илм аҳли ранжда!
Тош тоғнинг устида, зар ер остида!
Ёмонлар кўкда-ю, яхшилар пастда.
Бу ҳол бугун эмас, шу чарх кажрафтор,
Яралган кунданда такрор ва такрор,
Сайхун суви каби оқиб келади...
Шундан бу фалакнинг ғамхонасини,
Ҳасратда мен тубсиз зиндон атадим.
Унга дил берганни нодон атадим.
Бу чархнинг зиндонин занжири олтин,
Кўзни қамаштириб, ақлинг олади!
Билиб, билмай, ўзинг, ихтиёрингла,
Ўзни бу занжирга банд этма асло!
Барибир бир кун бу кўҳна олам,
Айланма занжири ҳар бир кимсани,
Ер ости қаърига банди этгуси.
Демак, ўлим асли ҳақ бўлгач, унда,
Ўлмасдан ўзингни ўлдирмоқ нега?!..

ЧЎЛПОН

Ўлмасдан ўзингни ўлдирмоқ нега?!...
Ҳа, ҳа! Англадим! «Ҳайрат-ул аброр»!!!
Яхшилар ҳайрати! Мен суйган «Ҳамса»!
Афсус, ўқий билмас, авлодлар уни!!!!...
Эсимда муборак сатрлар бари...
Бошингга ғам тушса жонинг койитма!...

МИР АЛИШЕР

Бошингга ғам тушса жонинг койитма!
Бир ғамни ўзинг-чун икки ғам этма!
Ўртаниб, жисмингни қийнама ортиқ,
Бу билан яхшилиқ этмаслар тортиқ!
Дунёнинг ўткинчи ишларин дебон,
Ранж чекиб рангингни қилмагин сомон!...

ЧЎЛПОН

Чунки жаҳон боғин вафоси йўқдур,
Ҳам умр гулининг бақоси йўқдир!!!!...

МИР АЛИШЕР

Вале тангрим неъматин унутган,
Шукри йўқ банда, ул - жинга ҳамтабақ!
Неъматким, ул нафас ҳар дам тортурсен,
Олганинг озуқа, чиқмоғи қувват.
Демак, ҳали ҳамон нафас олурсен,
Унинг шукронасин қачон қилурсен?!...

ЧЎЛПОН

Айй...! Мен ўқиб уқолмаган ношуд бир шогирд!
Айй...! Қадрсиз замонадан қадр истаган,
Ожиз, нурсиз кўзларимда зиё қидириб,
Бу оломон кўзларига нур бўлай, дебон!
Ўзин ўтдан чўққа урган қадрсиз кимса...
Миллионларнинг орасида ёлғиз парвона...
Оқибатда камситилган одам! Мана, мен кимман!!!!...
Энди нима қилай, куйсам бефойда,
Дардлашишга деворлар бермаслар изин.
Айй, пирим, ҳазратим, устозим, қуллуқ!...

Тухмат-у хиёнат захридан гангиб,
Нукул суҳбатлашиб ўз ўзим билан,
Яратганим кўрсатган йўлни кўрмабман!

МИР АЛИШЕР

Эмишким, бечора, бир оқил кимса,
Маҳрига кўп ранжу ситам тушубдир.
Бу бедод фалакнинг зулмин қаранг-ким,
Бу ҳам етмагандек шўрлик бошига,
Тухмат тоши тегиб, жазоси, дебон,
Бир қўлин кесмакка амр этмишлар!
Кундага қўймишлар, қўлин кесмишлар,
Зулм жон-жонидан ўтибди, лекин,
Ул зот миқ этмабди. Оҳиста бориб,
Кесилган билагин бағрига босиб,
Боши оққан томон йўл олмиш, шўрлик!
Бу ҳолни кузатиб турган бир оқил,
Кўнгли пок бир одам, унинг ортидан,
Билдирмай йўл олмиш, аста кузатиб!
Ул тухмат қурбони девонасифат,
Паришон одимлаб чиқмиш шаҳардан!...
Олисда кўринган вайронасифат,
Бир кулба томонга йўл олмиш аста!
Харобат ичида худди унингдек,
Тухматнинг касрига қўли қирқилган,
Кўплаб аламзада зотлар бор экан!
Шунгача миқ этмай келган ул кимса,
Худди юрагига тиғ санчилгандек,
Кесилган билагин отиб юбориб,
Шернинг наърасидек фарёд кўтармиш!...
Унга қўшиялмишлар қолганлар бари.
Аларнинг зоридан, ноалаларидан,
Бу ишни билмоққа орзуманд бўлган,
Писиб ортдан келган ҳалиги кимса,
Кўриб бу сингари азабозликни,
Ўз фаросатида хулоса қилмиш:
Зулмга учраган кимсага фақат,
У каби зулмнинг дардини тортган,
Аламкаш зотгина ҳамдард бўлғуси.

Хулоса шул зрур, фоний дунё-чун,
Ғам чекмак ҳақиқий инсон ишимас!
«Жаҳонга чу йўқтур бақо, эй, кўнгул!
Тамаъ қилма ондин вафо, эй, кўнгул!
Жаҳон недурур, бир улуғроқ кесак,
Йироқ тортқил сен ул кесакдин этак!...
(Мир Алишер Навоий чиқиб кета бошлайди).

ЧЎЛПОН

«Жаҳон недурур, бир улуғроқ кесак,
Йироқ тортқил сен ул кесакдин этак!...
Кесаксифат сотқин, хиёнатчилар!
Кенг дунёга сигмас алдоқчи зотлар.
Ана, олинг! Сизга шу, баланд, совуқ,
Девор ортидаги дунёни бердим!
Олинг!!! Шу бевафо дунё сизники!!!
Мангу ошиқ эдим мен яратганга,
Қай чоғ йўлдан оздим?!... Ўзим хайронман!
Энди ҳожати йўқ пушаймонни ҳам!
Мен энди тайёрман қайси бирингиз,
Азроил ишини қилсангиз, мана!
Дардли юрагимга ўқ отинг, майли!!!

*(Чўлпон кафтларини деворга уриб таяммул қилади, сўнгра
намоз ўқий бошлайди. «Халқ душманларига ўлим», «Долой врагам
народа» шиорлари билан ёзувчи, шоир, танқидчи, комсомол шогирди
ва бошқалар пайдо бўладилар).*

ШОИР

Ўртоқлар!
Шонли Октябрнинг йигирма ёшин,
Нишонламоқ учун барчамиз бугун,
Тайёргарлик кўриб турган бир фурсат,
Орамизда ҳамон жирканч ўтмишни,
Буржуйча ҳаётни, пантуркизмни,
Миллатпарастликни тарғиб қилғувчи,
Шумният, шум қадам, шумғияларнинг,
Борлиги, минг афсус, мунгли бир ҳолат!
Яхшиям, партия бизни вақтида _

Сергак турмоқликка ўргатди, йўқса,
Бизга ёт туйғули буржуйча ғоя,
Сутини симирган жосус кимсалар,
Буюк пролетар турмуши ичра,
Даҳшатли ўпирилиш содир этарди?!
Мана, ўшалардан бири, гўеки,
Беғуноҳ, беозор мусича каби,
Қаршимизда бўйнин эгиб турибди.
Аслида бу одам сиёсий хавфли,
Ғоявий бузғунчи, руҳоний кўнгил,
Ва бизга, билсангиз, росмана душман!
Бу кишим тинмасдан ер-кўкни мақтар!
Янги қурилишнинг ютуқларини кўролмас,
Негаки, аламзада ул!!!...
Биз бугун сўнгги бор унинг юзига,
Кимлигин ошкора кўрсатмоқ учун,
Тўпланган эканмиз, менинг фикрим, шу:
Бундай сўқирсифат чиғатойчини,
Кўрарга кўзим йўқ, отарга ўқим!
Ким дўст-у, ким душман, энди биламан,
Пролетар шоири ниқоби билан,
Аксиниқилобчи юртфурушларни,
Ғоявий қуроли бўлган бу зотга,
Бугун муносибдир, энг олий жазо!
(қарсақлар).

ТАНҚИДЧИ

Ўртоқлар!
Таниқли шоирнинг қайноқ нутқини,
Ҳаяжонла тинглаб, ғазабим ошди!
Негаки, биласиз, ўн йилча аввал,
Йигирма еттинчи йил эди чоғи...
Илк бор, Чўлпон ким-у, қандай шоир у,
Ижодининг салбий томонлари не?
Шулар тўғрисида ҳеч иккиланмай,
«Қизил Ўзбекистон»да чиқиш қилгандим!
Афсуски, ўшанда эътибор билан,
Менинг хулосамга қаралгандайди,

Бизнинг пролетар адабиётин,
Зарҳал варақлари бу ёт унсурнинг,
Кўнгил оздирувчи йиғлоқи, ишқий,
Шеърияти билан булганмасмиди?!...
Ахир, ўн йил аввал айтган сўзларим,
Бугун исботини топди-ку, мана!
Бу асло йўқсиллар шоири эмас!
Аслида йўқсилларга ҳақиқий душман!
Йўқса, ёш давлатнинг кўз ўнгимизда,
Кундан-кун равнақи сезилган дамлар,
Навоий йўлида суяги қотган,
Ёшларни шу йўлга чалғитиб келган,
Ҳамон пантуркизм, панисломизм,
Ғояси кўксида армон бўп қотган,
Бу зотлар, Шўронинг нонин ейди-ю,
Қора мақсадидан сира кечмайди!
Қани, айтинг, дўстлар, бу не деган гап?!...
Тузлуққа тупуриш эмасми, ахир!
Нега билиб туриб бу ҳолга ҳануз,
Бағри кенглик қилиб келамиз, нега!
Яхшиям толей-ю бахтимиз учун,
Бизни ўйлагувчи буюк доҳий бор!
У кишининг доно сиёсатида,
Бошланган жараён - сиёсий поклаш,
Биз кутган, истаган улкан иш бўлди!
Хуллас, кўп гапирмай, хулосам айтсам!
Чўлпон - халқ душмани! Ҳақиқий душман!
Бундайлардан тезроқ она заминни -
Покласак, эркинроқ нафас оламиз!

ЎЗУВЧИ

Ўртоқлар!
Сиёсий шаклдорлик - манфур бир иллат!
Унинг захри ёмон! Ўта зарарли!
Қаранг-ким, биз суйган ёш давлатимиз,
Йигирма ёшига етиб келти-ю,
Ҳамон «Ўтган кунлар» деб, феодализмнинг
Бағрида йўқсилни эзиб қақшатган,

Тўралар ҳаёти суйиб куйланса!
Шуям гап бўлди-ю, ахир, ўртоқлар!
Буюк доҳиймизнинг ҳаммамиз учун,
Ибратли сўзига қулоқ тутинг-а!...
«Пролетар шоири суратчи эмас,
Социал қурилиш ударниги у!
У энди тўрадек кабинетдамас,
Колхоз-у совхозда, завод, фабрика,
Ичинда бўладир ҳамда ҳамиша,
Промфинплан учун курашар тинмай!»
Хўш энди ҳақиқат қандай, аслида,
Қандайдир алдоқчи «Чиғатойчи»лар,
«Олтин сарой»чи-ю, «Қизил қалам»чилар,
Ўсаётган бизнинг адабиётни,
Аксининқилобий мақсад билан,
Ортга сураётир! Мана, ҳақиқат!
Бу ҳолга биз бугун бефарқ қарамай,
Беаёв курашга бел боғламасак,
Бизни кечирмайди келажак авлод!
Чўлпон, деб, аслида вақтни беҳуда,
Ўтказиш не ҳожат?!... Масала аниқ!
Йигирма йил аввал ким бўлган бўлса,
Йигирма йилдан сўнг ҳам у ўша-ўша!
Савдойи ишқпараст! Интим қули у!!!
Навойи - устози, Хайём - бобоси!
Бизга ёт кимса у! Тамом, вассалом!
Ҳамидни, Уйғунни, Усмон, Ойбекни,
Чалғитган худди шу. Бунинг устига,
Доҳий Ленин ишонмаган Худога,
Ишонмаслик туйғусида бугун биз,
Авлодларни тарбияга олган чоғ,
Устимиздан кулиб юрган одам бу!
Хуллас, халқ душмани Сулаймоновга,
Энг олий жазони талаб қиламан!!!

ЁШ ШОИР

Муҳтарам ўртоқлар!

Ёш ўзбек совет адабиётининг,

Энг ёш вакилига, яъни менга ҳам,
Бугунги туғёнли анжуман ичра,
Гар изн берсангиз, сўзласам, дейман!
(Сўзла, сўзла, комсомол, деган хитоблар эшитилади).
Негаки, мен каби, тенгдошларим ҳам,
Масъулмиз бугунги адабиётга!
Бизнинг илҳомчимиз - доҳиймиз Ленин,
Ва буюк Сталин, мен сизга айтсам!
Буюк пролетар иши бизнинг мавзумиз!
Тўғри, адашибмиз! Энди англадик!
Чўлпону Ботулар, Элбек, Фитратлар,
Навойи, Яссавий, Фурқат, Муқимий,
Бизга ёт туйғуни куйловчи зотлар!
Улар янги замон шеъриятида,
Адашиб юрмоғи сира мумкинмас!
Қандайдир «Ойданда, кунданда гўзал»,
Дегувчи сатрлар бизлар учун ёт!
Биз бугун кунма-кун, дақиқа сайин,
Ўз эркин қўлига киритаётган,
Ишчи-деҳқон учун ижод қиламиз!
Бизнинг устозимиз - доҳиймиз Ленин!
Ҳам буюк Сталин! Бошқаси бекор!
Чўлпондек кимсалар энди биз учун,
Устозлик қилолмас, қилолмас асло!...
Биз янги давр учун янги қўшиқлар,
Янги дунёқараш ёзамиз энди!
Мана, бир мисолни тинглаб кўринг-а:

ТИКИШ МАРШИ

«Ишлар машина, ишлар машина,
Ишларни тишга ташлар машина!
Тиқир-тиқирлаб, ишни зикрлаб,
Хотин-халажни йўқлар машина!
Айтайми сизга, бу тикиш марши,
Тикинг, тикинг, тикинг қўллар,
Сапчиб, тепчиб тикинглар!
Қизил аскар чопонига,
Пахта солиб тепчинглар!»

Мана, янги шеъриятнинг янги нухаси,
Меҳнат ва ҳурликнинг муқаддас марши!...
Бизларга шу керак эмасми, ахир?!...
Қандайдир йиғлоқи исломий гоё,
Сўфий таълимидан нима фойда бор?!...
Биз янги замонни қураётган эканмиз,
Эски унсурлардан озод бўлайлик!
Чўлпонлар йўқ бўлсин сафларимиздан!
Йўқ бўлсин, йўқ бўлсин, мангу йўқ бўлсин!
(қарсақлар, хитоблар).

Сўзимнинг сўнгида битта тўртликни,
Шахсий ҳукмим, дея ўқиб бераман!
«Бизга устоз улуг Ленин
Чўлпон бизга устоз эмас!
Худо деган Чўлпонларни,
Бугун ҳеч ким устоз демас!»

(Қарсақлар. «Халқ душманларига орамизда ўрин йўқ», «Халқ душманларига ўлим!» каби хитоблар янграйди. Бу ҳолни ибодат устида қузатган Чўлпон секин ўрнидан туради).

ЧЎЛПОН

Аслида одамзот бу олам аро,
Йиғлаб туғилади, кетар чоғи ҳам,
Афсус, надоматда йиғлаб кетади...
Шукурким, эй, тангрим, менга ушбу кун,
Кулиб ўлмоқликни насиб айладинг!...
Мен бугун ҳақорат, хўрлик зарбидан,
Тиниқлашган зеҳним, оғриқ қалбимда,
«Ўзингники ўзагингдан олади»,
Деган мақол маъносини англадим!...
Ҳай, кўзимга қараб бўҳтон тўқувчи,
Кечаги ҳаммаслак, ҳамфикр юртдош!...
Эй, тор йўлак узра ўз кўзин ўйиб,
Сўқирларча бахт қидирган кечаги шогирд!...
Сизга ачинаман, зийий... эссиз...эссиз...
Ана, олинг! Сизга қолди бу бефайз,
Изингиздан бешиб турган шу улкан кесак!
Гарчи бугун жисмимни маҳв этарсиз!
Руҳим Сизни тинчитмагай сира ҳам!

Таним тупроқ аро қоришар, лекин
Ҳамиша безовта руҳим юрт узра,
Унинг озодлигин кутиб учади!
Ўша кун келади! Худо хоҳласа!
Ўшанда балки сиз хижолат бўлиб,
Юзингиз уятдан қизарган ҳолда,
Тавба - тазаррула авлодлар авфин,
Сўраб эгиларсиз ёлгон саждага...
Мен эсам ўшанда, она ватанга,
Сизданда қадрли, сизданда буюк,
Суяклик фарзанддек тирик қайтаман.
(Ўқ овози эшитилади). Чўлпон бир қалқиб олади).
Эй, руҳлар! Қанисиз?!... Мана, тенглашдик!
Энди насибамиз Тангрим қўлида!...

ГАМЛЕТ

Мен ҳам яраландим... Мен ҳам ўламан!
Хиёнат алдаган бечора онам!...
Шўрлик қиролича!... Алвидо, Сизга!...
Эй, Сиз! Даҳшатлардан оқарган зотлар!
Бу мудҳиш манзара томошабини!...
Беайб шаҳид кетган танларни кўриб,
Забонсиз турганлар! Сиз гувоҳ бўлинг!
Чунки сиз хабардорсиз барча сирлардан!
Демак, вақти келиб биздан норизо,
Бўлганлар олдида бизни оқлайсиз!!!
Бу ёғи бизларга энди сокинлик...
Фақат сокинлик холос...

НАВОИЙ

Дунё борки, кишанланмиш ҳақгўй тил!
Лек у кишан чириб битар бир кун, бил!
Ҳақни куйлаб занжирбанд бўлган шеър...
Енгилмайди, ҳар доим енгаман дер!!!

(Тугёнли мусиқа. Илҳом фаришталари, Чўлпон, Гамлет ва Навоий билан арши аъло сари йўл оладилар. Саҳна оқ, яшил, мовий рангларга ўралади).

ГЕСУБУРИДА

ёхуд қирқилган кокиллар

(Трагедия)

Иштирок этувчилар:

1. МОҲЛАР ОЙИМ НОДИРА - 50 ёшда.
2. ХУШХОЛБИБИ - (Нодиранинг қудаси,
Норбибининг онаси) - 50 ёшда.
3. НОРБИБИ - (Муҳаммадалихоннинг умр йўлдоши,
малика) - 30 ёшда.
4. АМИР УМАРХОННИНГ РУҲИ - 50 ёшларда.
5. МУҲАММАД АЛИХОН - 34 ёшларда.
6. СУЛТОН МАҲМУДХОН - 30 ёшларда.
7. МУҲАММАД АМИН - 12-14 ёшларда.
8. АМИР НАСРУЛЛОХОН - 50 ёшларда.
9. АБДУСАМАД НОЙИБ (Амир Насруллоҳнинг вазири, 200
кишилиқ мунтазам армия тузган шахс) - 45-50 ёшларда.
10. ИККИ САРБОЗ - 20-25 ёшларда.
11. ЖАЛЛОД (ниқобли) - 30-40 ёшларда.
12. ТУШ ФАРИШТАЛАРИ (5-6 та) - 18-20 ёшларда.

Огир миллий муסיқа янграйди. Муסיқа пастлайди. Фонограммада муаллиф сўзи берилади. Муסיқа бир-икки минут давом этади.

Зиё Нажмий:

«Шундай инсонлар бўлурки, бутун умр башарият уларни лаънатлаб ўтади ва шундай инсонлар бўлурки, бутун умр инсоният уларнинг муборак хотираси хизматига камарбаста бўлур. Ушбу фожейи драмани энг комила қиз, энг нодира опа, энг мўътабар сингил, энг гўзал аёл, энг меҳрибон она Нодираи даврон, момои Туроннинг порлоқ хотирасига бахшида этдим. Мендек бир ожизнинг камтарин қаламидан тўкилган сатрларни бир содиқ ватандошингиз, миллатдошингиз дил изҳори сифатида қабул айлангиз».

*Тун. Қўқон. Нодира ўз тосхонасида хонтахтага бош қўйиб
мудрайди. Тун фиришталари теграсида ўйнайди.*

*Майин илоҳий мусиқа янграйди. Саҳна ортидан Умархоннинг
кексайган руҳи кўринади. Мусиқа пастлайди).*

УМАРХОН

(Аста Нодира газалини ўқийди).

Нигори гулбаданимни тушимда кўрсам эди.
Лаби шакаршиканимни тушимда кўрсам эди.

Кўз очмайин гамида рўзгорки ўтгувчидир,
Ки ёри сийм танимни тушимда кўрсам эди.

Чу даври роҳатим ўтди, зиҳи саодат эди,
Муроди жону танимни, тушимда кўрсам эди.

Юзи гулу, қадди шамшод, кўзлари нарғиз,
Баҳору ёсуманимни тушимда кўрсам эди.

Лабимга келди анинг васлини излаб жоним,
Бало ўти тикканимни тушимда кўрсам эди.

Ҳамиша булбули таъбим фиғону зор этар,
Ки орази чаманимни тушимда кўрсам эди.

НОДИРА

(Тушида Умархонни кўрар, қувонар)

Он ҳазратим ?... Олам Паноҳ?...

УМАРХОН.

Маликам... Бу менинг маликам... ҳижрон Сизни жуда кўп қийнади-
да.

НОДИРА.

Ҳаддан зиёд, Амирим, ҳаддан зиёд...

(Умархон томон юради).

Шукурким, жонимга ором бергани,
Ўзингиз келибсиз менинг ёнимга.
(Бориб бошини Умархон кўксига қўяди).

УМАРХОН

(Аста Нодирани бошини силаб)

Қачон ёдласангиз, ёнингиздаман.
Фақат...
Фақат Сиз мени ҳеч кўрмайсиз, холос.

НОДИРА

Кўряпман... хайрият... хануз тириксиз.
Мен нодон Сизни йўқ, вафот этган деб,
Сизга мотам тутиб йиғлаб юрибман.
Худога шукурким, ўзингиз борсиз.
Фақат... фақат... сочларингиз, қора соқоллар,
Тонги қиров каби оплоқ оқармиш.

УМАРХОН.

Бировдан кўнглимни узиб кетолмай,
Йигирма йилдирки, мунда юрибман.
Соч, соқолим агар оқарган бўлса,
Бунга фақат ўша кимса айбдор.

НОДИРА

(Яна эркаланиб бошини Умархон кўксига қўяди)
Ким экан у, Сизни шунча қийнаган,
Менга айтинг, уни бир койиб қўяй.

УМАРХОН

Унда ўзингизни койинг, жонгинам.

НОДИРА

(Эркалаб)

Боринг-е, ҳали ҳам ўша, ўшасиз.

УМАРХОН

Ҳа, жоним, ҳар гал Сиз мени ёд олиб,
Қуръон тиловоотлар қилган чоғингиз,
Қанча шодланганим асло билмайсиз.
Салтанат ташвиши қийнаган чоғи,

Ёнингизда Сизга ёрдам беролмай,
Қанча қийналганим ўзим биламан...
Нодон ўғилларим бир-бири билан,
Келиша олмасдан уришган пайти,
Изтироб ўтида қанчалик ёниб,
Куйиб қийналганим сира билмайсиз...
Эслайсизми, улар ёшлик чоғида,
Қандай орзуларни ўйлаган эдик.

НОДИРА.

Бобомиз Темурнинг шон-шуҳратини
Улар тиклайди деб, умид қилгандик.

УМАРХОН

Афсус, бу умидлар пуч бўлиб чиқди.

НОДИРА

Орзумиз рўёбга чиқмоғи учун,
Кейинги йилларда қаттиқ уриндим.
Аммо, не қилай-ки, тўнғич ўғлимиз,
Жуда ўзбилармон ва қайсар чиқди.
Қўлига салтанат жилови теккач,
Бир неча нокасни ёнига тортди.
У нокаслар минг хил хушомад билан,
Кўнглини овлашиб, ҳатто мени ҳам,
Душман кўрсатишди унинг кўзига...
Кенжам Бухорога қочиб қутулди.

УМАРХОН

(Изтироб билан)

Ахир, шу умидда боққан эдик-ми?

НОДИРА

Илтимос, ҳазратим, қарғаб юборманг,
Ўғлимда айб йўқ, у ёшлик қилди.
Барча айб худди кана мисоли,
Уни ўраб олган қонхўр бекларда.
Бекларингиз феълин яхши биласиз,
Ўғлимни ҳақ йўлдан улар оздирди.
Уларчун муқаддас ҳеч бир нарса йўқ.

Кўзингизга боқиб бир гап айтарди,
Ичида бошқа бир ўйни ўйларди.
Озгина манфаат топишса агар,
Ору-номусни ҳам сотиб кетарлар.
Уларни салтанат пойи остида,
Ёки зар, ё зўрла ушламоқ мумкин.
Сал кўнглинг топмасанг ё Бухорога,
Ёки Хоразмга кетишин ўйлар...
Кўнглига қарасанг халқ учун жабр,
Икки ўт ичида қийналди ўғлим.

УМАРХОН

Бу ўтни ўчирмоқ йўли бор эди,
Бу нодон шу йўлни қўллай олмади.
Бир қўлда қилич-у, бирида қалам.
Тутиб салтанатни бошқардим, дея,
Бобомиз бизларга айтган эди-ку.
Нечун хиёнаткор бекнинг бошига,
Адолат қиличин урмади дадил.
Нечун қалам тутган илм аҳлини,
Бошин силамади мурувват билан.
Наҳот қийин эди унга бу юмуш.
Бироз жасорату, бир оз мурувват,
Бўлса барча ишлар соз бўлар эди.
Аммо не бўлса ҳам, бўлар иш бўлди,
Энди гишт қолипдан кўчди батамом.
Бугун биз барчамиз бирга бўламиз,
Сизларни ёнимга олиб кетаман.

НОДИРА

(Умархон томон юради)

Қандай яхши бегим, худога шукур.

(Кейин бирдан унинг ўлганлиги эсига тушиб қолади ва тўхтаб даҳшатдан қичқириб юборади).

Йўқ... йўқ... Бегим, бундай қилманг.

(Умархон ёнида ўғиллари Маъдалихон, Султонмаҳмуд, Муҳаммадаминлар пайдо бўладилар).

Бундай қилманг, бегим.

Ахир у ҳолда... салтанат қолур...
Зурёд йўқолур. Изимиз йўқ бўлур...

УМАРХОН

Ахир, қандоқ қилай, тақдири илоҳий шу,
Маликам, юринг биз билан.

(Кета бошлайдилар).

НОДИРА

Йўқ, ҳазратим, бундай қилманг.
Тўхтанг. Кетмангиз... Йўқ... йўқ...

(Чўчиб уйғониб кетади).

*(Иккинчи манзара, ўша жой. Маъдалихон киради. Рўзи тушган,
сўлгин, кўзлари қизарган, кийимлари пароконда)*

МАЪДАЛИХОН

Чақирдингизми?..

НОДИРА

Йўқ. Босинқирабман.

МАЪДАЛИХОН

Мен ҳам туш кўрибман...
Тушимда падари бузрукворимиз
Мени чорлар эмиш ўз ёнларига.
Мен қочай дейман-у, лек оёқларим,
Менга бўйсунмасдан ул зот томонга,
Мени бошлаб кетар эмиш шошилич...

НОДИРА

Ё, Раббий... Наҳотки... Йўқ, йўқ... Худонинг
Ўзи паноҳида асрасин бизни.
Тушингиз шайтонни васвасаси холос,
Оллоҳ яхшиликка йўйсин тушингиз.

МАЪДАЛИХОН

Яхшилик?..
Йўқ. Энди яхшилик бўлмайди менга.
Бошимни кундага қўймоғим аниқ...

НОДИРА

Фаришта омин дер, ҳар бир ниятга,
Бундай ёмон ният қилмангиз, ўғлим.

МАЪДАЛИХОН

Мағлуб шоҳ тақдири ҳаммага аён,
Бизлар мағлуб бўлдик, салтанат вайрон.
Қандайн яхшилик бўлсин шу ҳолда.

НОДИРА

Бундай сўзлар билан кўрқитманг мени,
Майли... салтанат ҳам садқаи сардир.
Амир изн берса, бизлар бош олиб,
Бу юртдан кетармиз ўзга элларга...

МАЪДАЛИХОН

Шоҳлар кўнглидагин шоҳлар тушунгай,
Бизга жон кутқармоқ энди мушкулдир.

НОДИРА

Йўқ... йўқ... Уламолар, аркони давлат,
Адолат мезони билан фикр этса...

МАЪДАЛИХОН

Дунё яралмишки, одамзод аҳли,
Адолат излайди рўйи заминдан.
Аммо адолатнинг тош-тарозуси,
Ҳамиша кучлилар қўлида бўлган.
У қандай ҳукм этса, унинг гапи - ҳақ.
Аркони давлатнинг фикри бир пулдир.

НОДИРА

Агар биз воз кечсак шу тожу тахтдан,
Қатлимиз ҳам шаръий ножоиз бўлур.
Шунда авф айлагай бизни Амир ҳам -.

МАЪДАЛИХОН

Қайси шоҳ дунёда ўз ризоси-ла,
Тож-тахт даъвосидан воз кечиб кетган.
Ким ҳам ишонарди бундай ёлғонга...

НОДИРА

Ёлғонга?..

МАЪДАЛИХОН

Ҳаа... Ёлғонга...

Султанат лаззатин бошга тож кийган -
Султонлар англагай барчадан яхши.
Насруллоҳ билгайки мен тирик келсам,
Қўлда қилич билан бир кун албатта
Унинг боши узра пайдо бўлурман.
Шунинг-чун қатл этар у мени шаксиз.
Энди бефойдадур афсус-надомат.

НОДИРА

Ноумид - шайтондур. Ноумид бўлманг,
Балки келиб қолар нажот ғойибдан.

МАЪДАЛИХОН

Йўқ... Асло... Бизларга энди нажот йўқ.
Иблис Қорамаҳрам кўнглига қараб
Раиятга зулм ўтказган чоғ,
Тангри мурувватин эшиқларини ўзим
Ўз қўлим билан ёлганим аниқ.
Ким авом тарафин олиб сўз айтса,
Уни мамлакатдан қувгин айладим.
Отамнинг ишончли адолатпарвар
Бекларин банд этдим, қувдим, қатл этдим.
Улар ихрожини талаб қилганлар -
Бошга иш тушганда, хиёнат қилди.
Ҳийла билан мени амир қошига,
Қўлларимни боғлаб олиб боришиб,
Мени гаров қилиб, ўз жонларини -
Ўлимдан кутқариб қочиб қолдилар...
Энди надоматдан асло фойда йўқ,
Бугун ёқамиздан тутган бу кулфат.
Минглаб авом халқнинг кўксидан чиққан,
Лаънат фиғонидан вужудга келди...
Ўз элин бошига заҳмат ёғдирган

Меҳнат - машаққатда халқни қийнаган.
Мен каби малъунга мурувват йўқдур.
На ушбу дунёда, на у дунёда.

НОДИРА

Оҳ, ўғлим, бир кунда шунча ўсибсан...
Олдинроқ шуларни ўйлаганингда
Бошга бу кулфатлар тушмагай эрди...

МАЪДАЛИХОН

На чора, бувижон, энди вақт ўтди...
Бўлар ишлар бўлди, надомат келди.
Энди пушаймондан асло фойда йўқ.

НОДИРА

Бунча тушкунликка тушмангиз ўғлим...
(Овозини пасайтириб)

Ҳали умид бордир, битта умид бор...

МАЪДАЛИХОН

Инимми?...

НОДИРА

(қўлини оғзига қўйиб жим ишоратини қилади)

Ҳа. Аммо ининг ҳам сендан кўп хафа. *

(Шу пайт эшик очилиб, боши боғланган, кийимлари қон, пароканда Султон Маҳмуд киради)

МАЪДАЛИХОН

(Таажжубда)

Султонмаҳмуд?..

НОДИРА

Ё раббий... Сен ҳам бундами?

СУЛТОНМАҲМУД

Ассалому алайкум, бувижон.

(Таъзим қилиб, бориб тиз чўкиб, онасининг қўлини кўзига суркайди)

НОДИРА

Ваалайкум ассалом, болам, болагинам.

(Бошларини силайди).

Сен ҳам банди бўлдингми?.. Қандай кўргулик.

СУЛТОНМАҲМУД

Мени кечиринг, бувижон, мени кечиринг.
Сизни ёв қўлидан қутқаролмадим,
Ношуд ўғлингизнинг гуноҳин кечинг.

НОДИРА

Тур, ўғлим, ўкинма, сенда айб йўқ.
Тақдир шундай бўлса, не ҳам қиламиз.

СУЛТОНМАҲМУД

Ишонинг, ёв билан қаттиқ олишдим.
Шафқатсиз жанг қилдим, душманлар билан.

МАЪДАЛИХОН

(Кинояли)

Акамдек ўзимнинг ихтиёрим-ла,
Амир оёғига йиқилмадим, денг.

СУЛТОНМАҲМУД

Қандоқ тушунсангиз, шундек тушунинг.

МАЪДАЛИХОН

Ўзингча, гўёки сен баҳодиру
Мен кўрқоқ ва ахлоқ бир одамдирман.
Шундайми?..

СУЛТОНМАҲМУД

Билмадим...

МАЪДАЛИХОН

Биласан. Барчасин билиб турибсан.
Билиб туриб атай шундай деяпсан.

СУЛТОНМАҲМУД

Атайлаб десам не? Гапим ёлғонму?..
Таслим бўлганингиз ёвларга жангсиз,
Бутун эл оғзида бугун афсона,
Хўқанд авбошлари онамиз учун,
Жон олиб, жон бериб жанг қилсалар-у,
Сиз Қорамаҳрамдай бадиҳагўйнинг

Маслаҳати билан ўз-ўзингизни
Банди айласангиз душман қўлига.
Умархон наслига катта иснод бу.

МАЪДАЛИХОН

Хўш, сенингча ўша тенгсиз бир жангда,
Ўлиб кетсам, агар, майлуму эрди?..

СУЛТОНМАҲМУД

Ҳа... Шунда Сиз балки қонингиз билан,
Ювган бўлардингиз ўша иснодни.

МАЪДАЛИХОН

У ҳолда сен ўзинг нега жанг пайти,
Ўлиб кетмай, таслим бўлдинг ёвларга?
Бандлик иснодидан Сенга ҳам жонинг -
Ширин кўриндимми сўнгги лаҳзада?!

СУЛТОНМАҲМУД

Тасодиф тутқуни бўлдим жанг чоғи,
Бўлмаса, ўлимдан қўрқмаслигимни,
Нафақат Сиз эмас, барча билади.

НОДИРА

(Бир қадам олдинга чиқиб)

Бас... Бас қилинг бемаъни бу можарони,
Ҳеч бўлмаса, ҳозир жанжаллашманглар.
Уй бандиси бўлдик, қалб узра кишан.
Сиз бўлса сафсата сотяпсиз яна.
Болалиқдан буён иккингиз доим,
Муроса қилмайсиз, адоватдасиз.
Бутун умрим сизни яраштирмоққа -
Сарф айладим десам, ёлгон бўлмайди.
Бошимизга кулфат, фалокат тушган,
Шу мушкул кунда ҳам тортишмоқдасиз.

(Султонмахмудга қараб)

Таъна қилаверма аканга, ўғлим.

СУЛТОНМАҲМУД

Бу ахир таънамас, айни ҳақиқат.

Кўқон салтанатин фожеъ қисматин,
Ўз дасти, ақли-ла келтирган акам.

НОДИРА

Ундай деманг, ўғлим, айб бўлади...

МАЪДАЛИХОН

Қўяверинг. Майли гапириб олсин.

СУЛТОНМАҲМУД

Айб бўлса, аввал акам уялсин...

Эл-юртнинг оғзида юрган гап-сўзлар -

Асоссиз, беўрин эмасдир ахир...

Отамнинг канизи Ойпошшахонга

Уйланаман дея аҳд қилганмишсиз.

Пинҳон уйланибсиз... Мана, оқибат.

Сизнинг пинҳон қилган наҳс ишингиз деб,

Бутун мамлакатга кулфат ёғилди.

Шунга айтса керак: «Бирники мингга,

Мингнинг касофати туманга» - дея.

(Маъдалихон инграб юборди)

Агар нафсингизга бир мушт тушириб,

Ўша канизакни совғамиз дея,

Амир Насруллоҳга берсангиз эди,

Бугун бошимизга келган балони,

Даф этган бўлурди шу эҳсонингиз.

МАЪДАЛИХОН

Элда Насруллодан қўрқиб кетган хон,

Отаси канизин ортига ўтиб,

Жонини сақлади деган таънани

Кейин кўтармоқлик осонму эди?..

СУЛТОНМАҲМУД

Бир канизни деб, бор салтанатни,

Вайрон қилмиш, деган таънадан кўра,

Каниз тортиқ қилиб эл-юрт тинчини

Сақлаб қолмиш дея таъна қилинса,

Албатта, минг карра яхши бўларди.

НОДИРА

Бас дедим... ҳеч йўғи менинг олдимда

Ўзингизни босинг... Уялинг, ўғлим...

СУЛТОНМАҲМУД

Нима?.. Ё, бу гаплар бари ёлгонму?..

МАЪДАЛИХОН

Инкор қилолмайман, гапинг ҳақиқат.

Ҳақиқат аччиқдир ва лекин асли

Нафсим балосига учраганим рост.

НОДИРА

Ўғлим...

Ўртанма...

Укангнинг гапи бутунлай ҳақ эмас, сен ўйлагандай

Амир ўз қилмишин оқламоғига -

Бу гаплар фақат бир ниқобдир асли.

Унинг бу юришин илдизи чуқур,

Бошқа мақсадлардан сув ичар асли;

Мовароуннаҳрни қалам ровига

Олмоқ-чун бу жангни бошлаган амир.

МАЪДАЛИХОН

Оқибат мақсадга эришди ҳам у...

Салтанат бошига не бало келса,

Ҳукмрон айбидан келиши шаксиз.

Мен унинг ниятин билардим асли.

Аммо, аммо курашмоққа ожизлик қилдим.

Ялтоқи бекларнинг сохта мақтови,

Фисқу фужурларин қурбони бўлдим.

Иғвогарлар худди илон мисоли,

Бағримга киришиб заҳар солдилар.

Улар гапи билан ҳатто инимни,

Ўз она юртидан қувғинга олдим.

Иним қочиб амир қошига боргач,

У жойда азизу мукаррам бўлди.

Насруллоҳ ҳурматин жойига қўйиб,
Унга Шаҳрисабзни инъом айлади...
Мен шу мурувватни қилолмасмидим...
Албатта, қилардим, агар хоҳласам...
Бугун эса бошга кулфат тушган чоғ,
Бизни деб ўзининг ҳомийси бўлмиш -
Амир лашкари-ла жанг қилмоқ учун
Қилич яланғочлаб, гуноҳкор бўлди...
Менга бу фикрни тан олиш қийин,
Аммо, не қилайки, бу ҳақиқатдир.

НОДИРА

Ҳеч бўлмаса, бугун шу ҳақиқатни -
Тан олдинг, шунга ҳам Оллоҳга шукур.

МАЪДАЛИХОН

Элдан бир ривоят эшитган эдим.
Унинг маъносини бугун тушундим.
Ўтган замонларда оқил бир подшоҳ,
Хотини ўлган кун йиғламаганмиш,
Сўнгра энг севимли ўгли ҳам ўлмиш.
Подшоҳ ўшанда ҳам йиғламаганмиш.
Анча вақт ўтгач, қондош иниси,
Бевақт фалокатдан вафот этибди.
Шунда шоҳ дод солиб йиғлабди чунон.
Ундан сўрабдилар: «Эй, шаҳоншоҳим,
Хотинингиз ўлди, дод солмадингиз,
Фарзандингиз ўлди, дод солмадингиз,
Нечун инингизга бунчалик фарёд?
Шунда шоҳ инганиб айтган эмишки,
«Хотин йўлда, уни топмоғим мумкин.
Бола белда - буни топмоғим мумкин.
Аммо жигаримни қайдан топаман».
Шундай деб, шоҳ яна дод солган эмиш.
Биз жигар-бағрмиз, эту тирноқмиз.
Аммо, минг афсуски, бу ҳақиқатни
Мен нодон жуда ҳам кейин тушундим.

СУЛТОНМАҲМУД

Ака...

МАЪДАЛИХОН

Иним..

СУЛТОНМАҲМУД

Ака... акажон...

(Акаси бағрига отилади).

(Маъдалихон уни бағрига босиб)

МАЪДАЛИХОН

Иним... Кечира олсанг, сен мени кечир.

Мен нодон акангни кечиргин, ука.

СУЛТОНМАҲМУД

(Акасини бағрига босиб)

Ундай деманг, ака, менда ҳам айб бор,

Ёнингизда қўлдош бўла олмадим...

НОДИРА

(Аста келиб икковини қучоқлайди)

Икковингиз ҳамдам бўлганингизни,

Кўрсатган Оллоҳга минг карра шукур.

(Майин илоҳий мусиқа янграйди. Ташқаридан шовқин эшитилади. Абдусамад нойиб киради).

АБДУСАМАД НОЙИБ

(Ёнида икки навкар. Нойибнинг лаблари кўкрган. Таъзим қилади).

Ассалому алайкум, ҳазрати ҳоқон.

МАЪДАЛИХОН

Вазири аъзам?... Абдусамад нойиб?...

Сизмисиз?.. Наҳот?..

АБДУСАМАД НОЙИБ

Ажабланманг, ҳазрат. ҳа ўша менман.

Амир Насруллоҳнинг ҳарбий вазири.

Мени ҳозир вазирлик қўлимдан кетган.

МАЪДАЛИХОН

Нечук?.. Сабаб не?..

АБДУСАМАД НОЙИБ

Сўраманг, асло...

Сабабин айтмоқдан зарра фойда йўқ.
Бизнинг қисматимиз асли шундай-ку,
Шоҳларнинг қўлида бир кўғирчоқмиз.
Хуш тутса вазирмиз, хуш тутмаса гар,
Оддий сарбоздан ҳам хордир бошимиз.

МАЪДАЛИХОН

Бу ён келмоқликдан мақсадингиз не?

АБДУСАМАД НОЙИБ

Мен эшик оғадай келдим бу ерга
Аргашдаги ваъдам бажаролмадим.
Бунинг-чун Сиз мени овор этинг, ҳоқон.

МАЪДАЛИХОН

Сиз ҳам мени ҳоқон деманг энди, бек.
Узр сўрамоқ ҳам шарт эмас, асли.
Биз ҳам бир бандамиз амир қўлида.
Уй бандисин «Ҳоқон» деб аташингиз,
Оғир ботар экан юракка жуда.

АБДУСАМАД НОЙИБ

Киноя қилмангиз менга, ҳазратим.
Менга ҳам осонмас ушбу фурсатда.
Бибурд деган номни олмаслик учун,
Аргашдаги машъум аҳдномасини,
Амирга эслатдим такрор ва такрор.

СУЛТОНМАҲМУД

У қандай аҳднома, тушунтирингиз.

АБДУСАМАД НОЙИБ

Қўшин билан бизлар Аргашга келгач,
Бир тун оқшом чоғи менинг қошимга.
Қорамаҳрам пинҳон киши юбориб,

«Маъдалихонни биз гар боғлаб борсак,
Амирдан авфини сўрамоқликка
Кафил бўласизми? - деган эдилар.
Амирга бу гапни етказган эдик.
«Майли, келтиришсин, розиман,» - деди.
Унинг ваъдасига ишониб бекка,
Розилик аҳдини ёзиб юбордим.
Шу аҳдга ишониб Маъдалихонни,
Боғлаб келтиришди амир қошига.

СУЛТОНМАҲМУД

Ахир, бу фитна-ку. Беклар фитнаси.

МАЪДАЛИХОН

Беклар фитнаси-ю, амирнинг макри.

АБДУСАМАД НОЙИБ

Сиз учун авф сўраб кеча ва бугун,
Амир оёғига бош урдим қанча...
Аркини давлатнинг олдида ҳали,
Амирга эслатиб ваъдасин такрор,
Уни бажармоққа даъват айладим.
Лек «амир-амирда», кечаги сўздан,
Бугун қайтмоқликка соҳиб ихтиёр.

МАЪДАЛИХОН

«Йигит ўз сўзидан, арслон изидан,
Қайтмас» дер эдилар. Афсус бу мақол,
Амир Насруллоҳга бегона экан...

АБДУСАМАД НОЙИБ

(Новкарларга чўчиб қараб қўяди).

Билмадим, бу ишга балки менинг ҳам -
Пинҳон душманларим таъсир қилгандур...
Аслида амирдан шу чоққа қадар,
Лавфсизлик чиққанин илк бор кўришим...
Хуллас, Аргаш аҳдин эслатганим чоғ,
Бизга ақл бўлган зотга жазо деб,
Оғзимга урдирди ковуши билан.

НОДИРА

Во, ажабо... Ҳақ сўзга нақадар ноҳақ бир жазо.

АБДУСАМАД НОЙИБ

Сизга ундан шафқат тилаганим-чун,
Ушбу мажлис чоғи менинг зиммамга,
Оғир бир вазифа юклади амир.
Хоҳлайманми, йўқми, бу вазифани,
Ижро этмоқликдан ўзга чора йўқ.

МАЪДАЛИХОН

У қандай вазифа, бунчалик оғир?..

АБДУСАМАД НОЙИБ

Сизни олиб бормоқ заррин саройга.
Шундай амр айлади амири Турон.

МАЪДАЛИХОН

(Киноя билан)

Амири Турон... На чора...
Майли, олиб боринг қўлларим боғлаб,
Энди мен бу ҳолга кўникиб қолдим.

СУЛТОНМАҲМУД

Ака... Демак, Сиз...

МАЪДАЛИХОН

Ҳа, ука... Мен фитна, макрнинг қурбони бўлдим.
Энди афсус чекмак бутун бефойда.
Кел, энди, укажон, хайрлашайлик.

(Ўзини акаси бағрига отади).

Ака, акажоним...

*(Қучоқлашадилар. Абдусамад нойиб навкарларига имлайди. Улар
Маъдалихонни олиб чиқа бошлайдилар. Маъдалихон юлқиниб чиқиб
Нодира томон отилади).*

МАЪДАЛИХОН

Бувижон, Бувижон... Мени авф этинг...

НОДИРА

Ўғлим. Болагинам.

(Маъдалихонни бағрига босади. Навкарлар Маъдалихонни яна торта бошлайдилар. Ичкаридан Норбиби чиқиб Маъдалихоннинг бўйнига осилади).

НОРБИБИ

Ҳоқоним...

МАЪДАЛИХОН

Мендан рози бўлинг, азиз хонойим,
Сизга ҳам кўп озор етказдим пинҳон.

НОРБИБИ

Йўқ... йўқ... Кетманг, бегим.... Шунда қолингиз.
Ахир Сизсиз бизлар нима қиламиз?..

(Муҳаммадамин кириб келади).

МУҲАММАДАМИН

Падари бузруквор...

МАЪДАЛИХОН

Ўғлим... Дилбандим... *(Уни қучоқлайди)*
Бошинг омон бўлсин, илоҳим, доим.
Оллоҳ паноҳида асрасин сени.

МУҲАММАДАМИН

Падари бузрукворим, кетманг бу ердан,
Бизни ташлаб кетманг, дадажон, дада...

(Сарбозлар Муҳаммадаминни силтаб юборадилар. Нодира, Норбиби, Султонмахмуд болани ушлаб қоладилар. Муҳаммадамин газабдан кўкариб сарбозларга ташланмоқчи бўлади. Сарбозлар Маъдалихонни олиб чиқиб кета бошлайдилар. Бола ҳайқиради).

МУҲАММАД АМИН

Қўйиб юборинглар, қўйворинг мени,
Менга қўл кўтарган бу ярамаснинг,
Бошини сапчадай узиб ташлайман.

НОДИРА

Ўзингизни босинг... Тинчланинг, болам...

МУҲАММАД АМИН

Нечук мен тинчланай, ахир, бувижон.

Амирзодалигим писанд этмасдан,
Менга қўл кўтарган бу ножинсларнинг,
Мурдор қўлларини кесиб ташламай,
Жим, бўйнимни эгиб турайми ахир?..

НОДИРА

Ҳаммаси ўткинчи, тинчлангин, болам.
Иншооллоҳ, бари ўтиб кетади.
Бир оз сабр қилинг. Сабр - Раҳмондир.

МУҲАММАД АМИН

(Эътироз билан)

Ахир...

НОДИРА

(Норбибига амирона)

Хонойим. Хосхонага уни олиб чиқингиз.

НОРБИБИ

Бош устига, юрингиз, ўғлим.

(Муҳаммад Аминнинг қўлидан тутади ва таъзим билан ортига юриб чиқиб кета бошлайдилар. Муҳаммад Амин ночор кўниб чиқиб кетади)

СУЛТОНМАҲМУД

(Бир оз сукут қилиб).

Бекор таъна қилдим ҳозир акамга.

НОДИРА

Гапларинг ҳаммаси ҳақиқат, ўғлим.
Акангнинг ўзи ҳам тушунди буни.
Аммо кеч тушунди, афсус, жуда кеч...

СУЛТОНМАҲМУД

Ҳали ҳам кеч эмас, ҳали умид бор...

НОДИРА

(Секин) Нима?... Умид бор?.. Қанақа умид?..

СУЛТОНМАҲМУД

... Ҳа... Умид сўнмаган...

НОДИРА

(Секин)

Қандай умид?.. Кимдан?.. Қаердан?.. Айтгин.

СУЛТОНМАҲМУД

Аввало Худодан, Сўнгра Таласдан.

НОДИРА

(Таажжубда)

Таласдан?.. *(ўйланиб)* У ерда ким бор?

СУЛТОНМАҲМУД

Шералихон. Бизнинг амакиваччамиз...

Тошкентдан чиққан пайт бир мактуб билан

Уни ҳам Хўқандга чорлаган эдим.

НОДИРА

Етиб келармикан?..

СУЛТОНМАҲМУД

Келиши керак...

Эр йигит бўлса гар лашкари билан,

Шу кунлар ичида келиб қолади.

Яна қайдам, ахир ҳамма иш Оллоҳдан.

НОДИРА

Иншооллоҳ... Умид Оллоҳдан шаксиз...

СУЛТОНМАҲМУД

Аммо... Не бўлса ҳам бир бошга доим,

Битта ўлим албат ёзилган, шаксиз.

Мабодо... Мабодо... қазойим етиб

Душманнинг қўлида мен ўлар бўлсам,

Мени ёмонликман ёдламанг, буви...

НОДИРА

(Нидо қилади)

Оҳ, болам... Эзилган бағрим тигламанг,

Сизлар жигарбандим, кўрар кўзимсиз.

Амир гар кўзларим суғуриб олса,

Чидайман, лек сизнинг ўлимингизга,

Асло чидолмайман. Бундай демангиз,
Ноумид бўлмайлик. Ноумид - шайтон.
Умид бор, албатта, ноумид бўлманг?
Лекин вақт тигиз, одам ходис-да...

АБДУСАМАД НОЙИБ

(Новкарлари билан кириб келади)

Минг узр, шаҳзодам, яна мен келдим.

СУЛТОНМАҲМУД

Нима гап?.. Бу сафар бизга амирдан,
Яна қандай фармон олиб келдингиз?..

АБДУСАМАД НОЙИБ

Мени маъзур тутинг. Амир Сизни ҳам,
Заррин сарой сари олиб бормоқни -
Камина қулига амр айлади.

(Султонмахмуд ва Нодира бир - бирига маъноли қарайдилар)

НОДИРА

Амирнинг нияти бузилмиш, демак.

СУЛТОНМАҲМУД

«Тақдири азал, тақдиридан ўзга бўлурму,
Ғар етса қазоси банди қочиб қутулурму?..

НОДИРА

Ўғлим...

СУЛТОНМАҲМУД

Бувижон... *(унинг бағрига отилади).*

(Абдусамад нойиб новкарларига имлайди.

Новкарлар уни онаси бағридан юлиб оладилар. Нодира сокин ва мағрур боқади. Султонмахмуд унга жовдираб термилиб нидо қилади)

СУЛТОНМАҲМУД

Алвидо, бувижон... *(уни олиб чиқиб кетадилар).*

НОДИРА

(Секин, лекин қатъий)

Алвидо, ўғлим, алвидо...

(Оғир мусиқа янграйди. Мусиқа пастлайди Нодира сокин қарсак чалади. Норбиби киради. Таъзим қилади).

НОДИРА

Муҳаммадамин қани?.. Тинчиб қолдими?...

НОРБИБИ

Ҳаммамиз англатиб, бир оз тинчитдик...

Маликам, наҳотки бизга нажот йўқ.

НОДИРА

Нажот - Тангридандур, сўраш - бандадан.

Ундан ўзга ҳеч зот ёрдам беролмас.

НОРБИБИ

Маликам, ҳазратим, бир йўлин топинг,

Бизни бу балодан халос айлангиз.

Ахир Сиз - комила, доно бир зотсиз.

Ҳаракат қилсангиз, йўлин топурсиз.

НОДИРА

Албатта, бирорта чора топуرمىз...

(Бир оз сукут сақлайди).

Менга қоғоз-қалам келтириб беринг.

НОРБИБИ

Бош устига. Ҳозир, маликам.

(Чиқиб қоғоз, қалам келтиради. Нодира ўтириб мактуб битади. Норбиби чиқиб кетади)

НОДИРА

(Фонограммада)

Амир ал муслимин, Султон Баҳодирхон,

Амр Насруллохон ҳазратларига.

Ассалому алайкум, султони замон,

Саломдан сўнг Сиздан илтимос шу-ки,

Мендай ожизага марҳамат қилиб,

Сухбати шоҳонага мушарраф айлангиз.

Аддуои Момойи Турон Нодираи даврон битдим.

(Қоғозни буклайди. Ташқарида шовқин, яна Абдусаммад найиб киради)

АБДУСАМАД НОЙИБ

Кечирингиз, маликам, ташрифим учун.

НОДИРА

(Ташвишли)

Вазири аъзамга яна не керак?
Қандай фармон бермиш бу сафар амир?...

АБДУСАМАД НОЙИБ

Муҳаммад Аминни отаси билан
Амакиси ёнига ҳибс этмоқни,
Амр айлайди менга амир Насруллоҳ.

(Ичкарига кирмоқчи бўлади. Нодира унинг йўлини тўсади)

НОДИРА

Йўқ, йўқ... Тегманг унга, уни бермайман.
Ўлдирсангиз агар, мана мен тайёр.
Майли, қатл этингиз, қонимни ичинг,
Лекин набирамнинг гуноҳин кечинг.

АБДУСАМАД НОЙИБ

Мен қонхўр эмасман, мўмин мусулмон,
Сиз каби бандаман. Аммо тушунинг,
Амир фармонидан бош тортолмайман.
Амирнинг фармонин икки қилмоқлик,
Ўз бошига ўлим тилашга тенгдир.
Авф этмоқ ҳам менинг измимда эмас.
Агар авф сўраб мактуб битсангиз,
Балки авф айлагай амирнинг ўзи.

НОДИРА

Балли. Мактуб битдим. Фақат илтимос,
Мактубимни шахсан амир қўлига,
Ўз қўлингиз билан элтиб берсангиз.

АБДУСАМАД НОЙИБ

Мен кўнгли бўш инсон эмасман асло,
Лекин илм аҳлини ҳурмат қиламан.
Нодираи даврон ҳурмати учун,
Уриниб кўраман, яна бир карра.

НОДИРА

Раҳмат сизга. Ташаккур минг бор,
Қанийди бизда ҳам сиз каби ботир,
Ҳақ чун битта вазир бўлганидайди,
Балки бошимизга бугунги оғир,
Мусибатли кунлар тушмасми эди.

АБДУСАМАД НОЙИБ

Ҳақиқатнинг саройда яшаши қийин,
Сарой фитналари шунча чигалки,
Эзгулик истовчи одил вазирнинг,
Зиндонга тушмоғи бир лаҳзалик иш.
Сизнинг бошингизга тушган кулфатда,
Ўзимнинг ҳам айбим борлиги учун,
Аргаш воқеасин ювиб ташлай деб,
Ўлимни бўйнимга олиб бўлса ҳам,
Амирга мактубни етказгум шаксиз.

(залга қараб)

Мабодо бу ишим Султонга ёқмай,
Ноҳақдан жаллоднинг қўлига тушсам,
Аҳли олам учун аён бўлсинким,
Абдусамад нойиб ўз лафзига,
Хиёнат этмаган ўлим чоғи ҳам,
Лафзсизлик билан яшашдан кўра,
Ҳалол лафз билан ўлмоқлик аъло...

(Нодирага қараб)

Бу сафар ўлимни бўйнимга олиб,
Амир ҳузурига кириб борурман.

НОДИРА

Боши узра қилич ўйнаганда ҳам,
Ростини айтгувчи вазири бор шоҳ,
Чиндан ҳам дунёда энг бахтли шоҳдир.

(Мактубни беради).

АБДУСАМАД НОЙИБ

Агар яна қайта кўришмасак,
Алвидо, Нодираи даврон, Маликаи шуаро.

(Новкарлар билан қатъий чиқиб кетади. Майин муסיқа. Нодира ўйчан. Яна қарсак чалади. Норбиби киради.)

НОРБИБИ

Лаббай, маликам...

НОДИРА

Ўғлингизни чорлаб ёнимга келинг,
Сизга айтадиган махсус гапим бор.

НОРБИБИ

(Таъзим билан)

Бош устига, ҳозир, маликам...

(Чиқиб кетади ва Муҳаммадамин билан киради)

НОДИРА

(Муҳаммадаминнинг бошини силаб)

Бу олам бевафо ва бесаботдур,
Бу дунё бебаҳо ва нопойдордур.
Билингким, қайчоғдин алам яралмиш,
То ҳануз ҳеч кимга вафо қилмаган.
Ўткинчи дунёга меҳр қўймоқлик.
Оқил одамларга хос амал эмас.
Ўлим асли бизни дунё ғамидан,
Халос этиб, Оллоҳ висоли томон -
Бошловчи оддий бир восита холос.
Агар қазоим етиб мен ўлар бўлсам,
Қаттиқ аза очиб қайғурмангизлар.

(Норбибига қараб)

Муҳаммадаминни эҳтиёт қилинг.

МУҲАММАДАМИН

Бундай деб дилларга ваҳима солманг,
Наҳот амир Сиздай бир ожизага,
Қўлин кўтармоққа журъат айласа.
Аёлни ўлдирмоқ марднинг ишимас.

НОДИРА

Мен ҳам шу ўйдаман, аммо ҳар ҳолда,
Сизга шу гапларни эслатгим келди.

Хонойим, тақдир гар вафо қилмаса,
Набирамни олиб Таласга боринг.
Унга Шералихон раҳнамо бўлғай.

МУҲАММАДАМИН

Агар, омон қолиб шу жойдан чиқсам,
Онт ичиб айтгум-ки бир кун албатта,
Амир Насруллоҳдан қасос олгумдир.

НОДИРА

Қасам ичманг, ўғлим, бу ёмон одат.
Қасос олиш фақат Оллоҳ измида,
Оллоҳдан беамр хас ҳам учмагай.

МУҲАММАДАМИН

У ҳолда қайси бир гуноҳимизга,
Парвардигор бизнинг бошимиз узра,
Бунчалик фалокат, кулфат ёғдирди.

НОДИРА

Буни фақат Тангрим ўзи билгуси,
Лекин Сиз билингки у не иш қилса,
Барчаси - Ҳақиқат. Бори - Адолат.

НОРБИБИ

Маликам, бизларнинг банд бўлишимиз,
Наҳотки, Сизнингча ҳақ ҳисобланса?

НОДИРА

Оллоҳ иродасин барчаси ҳақдир.
Балки биз аввалги аждодлар қилган,
Гуноҳлар жабрини тортармиз ҳозир.

НОРБИБИ

Аввалги аждодлар...

НОДИРА

Ҳа. Тож-тахт курашсиз қўлга кирмагай,
Умархон Тошкентнинг йўлида пинҳон,
Олимхон оғасин ўлдиртирганди.
Олимхоннинг ноҳақ тўкилган қони

Балки шу кеч бугун бизни тортмоқда.
Ахир Оллоҳ бизга ваъда қилган-ку,
Зарра ёмонликка жазо берурман,
Зарра яхшиликка мукофот дея.
Балки Муҳаммадалихон қилган.
Нахсу касофатнинг жабрин тортармиз.
Не иш бўлса бўлди, бари Тангридан,
Оллоҳ қаршисида бошимиз эгик.
Гуноҳларимиз кўп, бунга иқрормиз.

«Тақдирга қулсан агар эй, вужуд, шоҳлик магар ато қилур,
Жаҳон сафосини абад деган киши хато қилур.
Кулган куни кўзингда бахт, ногоҳ келиб жафо қилур,
Қилма гурур, эй кўнгил, кимга жаҳон вафо қилур.
Кимники сайд айлади, ғусса билан фано қилур...

*(Оғир муסיқа янграйди. Чироқ ўчади. Муסיқа пастлайди. Чироқ
тонг отган каби оҳиста ёқилади. Яна ўша жой. Нодира ўйчан
ўтиради. Фонограммада газал ўқилади)*

Ҳолимга фалак бўйла жафокор бўлурму?
Ҳар дам дилим озор уза озор бўлурму?

Даврон кўлидан дод ила фарёд этарман,
Бу ғамзадага мунча ситамкор бўлурму?

Бечора кўнгул ҳолига раҳм айла илоҳи,
Бир жон ила юз доға гирифтор бўлурму?

Ғам солгувчилар Нодиранинг кўнглига кўпдур,
Бир хастага юз ранж ила озор бўлурму?

*(Шу пайт эшик очилиб, соқчилар Нодиранинг қудаси, Норбибининг
анаси, Хушхолбибини киритиб юбордилар)*

НОДИРА

(Чўчиб ўрнидан туради)

Ё, Раб. Хушхолбиби, наҳотки Сиз ҳам?..

ХУШХОЛБИБИ

(Таъзим қилиб)

Ассалому алайкум, маликаи даврон.
(Келиб кўришади)

НОДИРА

(Ваҳимада)

Ҳатто қуда ойим ушланган бўлса,
Демак, амир бизнинг уруғ - авлодни
Буткул қирмоқликка аҳд айлабди-да?

НОРБИБИ

(Онаси овозини зшитиб ичкаридан чиқади)
Ойижон...

ХУШХОЛБИБИ

Норбиби... Хонойим, тинч-омонмисан.
Худога шукурким, тирик экансан.

МУҲАММАДАМИН

Бувижон?.. Ассалому алайкум.

ХУШХОЛБИБИ

Воалайкум ассалом, шаҳзода ўғлим.

МУҲАММАДАМИН

Наҳотки! Сизни ҳам банд этдиларми?..

ХУШХОЛБИБИ

Ҳа, ўғлим, мени ҳам банди этмишлар.

НОДИРА

Ҳўқандда нима гап, сўзланг, бегойим.
Умидвор бўлгудай янгилик борму?

ХУШХОЛБИБИ

Кеча эрталабдан то шомга қадар,
Ҳўқандда қиёмат бўлди, маликам.
Амир лашкарлари ҳар бир гумонни,
Остин-устун қилиб титдилар роса.
Кимки қарши турса, боши кесилди,
Улар қилган ишни ҳаттоки кофир -
Балки қилмас эди Ҳўқанд аҳлига.
Эркалар чопилди, шўрлик аёллар,

Танланди: ким чўри, кимдир ҳарамга.
Қолганлар барчасин бугун тонг чоғи,
Хўқанд майдонига олиб келдилар.
Бир неча бекларнинг боши кесилди.
Ҳалиги ярамас Қора маҳрам ҳам,
Тангри амри билан жазосин олди.
Ўз хонини сотган хиёнаткор зот,
Вафо қилармиди бизларга дея,
Дорга осмоқликка ҳукм этмиш амир.
Ҳаттоки ўзининг ҳарбий вазирин,
Қандайдир айбига қаҳр этиб, амир
Ўлим жазосига ҳукм айлабди.
Бечора қандайдир сирли йўл билан,
Бу пинҳон ҳукмнинг хабарин топиб,
Тунда қочган эмиш Хоразм томон.

НОДИРА

(Секин, лекин қатъий).

Яратганга шукур, бек Абдусамад,
Бу ноҳақ жазодан қутилиб қолмиш.

ХУШХОЛБИБИ

Кофир Маъдалихон ёхуд онасин -
Тарафдори бўлса қайбир мусулмон,
У кофир аталиб шаръан ўлимга,
Маҳкум этилгай, деб амр этмиш амир.

НОДИРА

Демак, қутурибди амир Насруллоҳ,
Қонсираб қолибди мисли кўппакдек.
Яна не гап?..
Яширманг...
Айтинг...

(Бироз тараддуд. Хушхолбиби Нодиранинг амиридан сўнг дод солиб юборади)

ХУШХОЛБИБИ

Айтсам, тилим куяди, айтмасам, дилим куяди,
Сўнг олиб чиқилди Шаҳриёр ўғлим,

Уни онасига уйланган кофир,
Ўлимга лойиқ деб, қатл этдилар.

НОДИРА

Тухмат бу...
Оҳ, ўғлим. Оҳ, жигарбандим.
Сени бу балодан сақлай олмадим.

ХУШХОЛБИБИ

Сўнг олиб чиқдилар Султонмахмудни,
Ўз валинеъматин тузлигин булгаб,
Унга қарши қилич кўтаргани-чун,
Ўлимга маҳкум деб фатво бермушлар.
Ҳукм ижроси чоғи чидолмай,
Беихтиёр додлаб юборган эдим,
Улар таниб қолиб мени ўша пайт,
Сўнг тутиб бу ерга олиб келдилар.

НОДИРА

Ё, Оллоҳ... Бу нечук фалокат, Раббим,
Асло чидолмайман бу жазоларга.

ХУШХОЛБИБИ

Насруллоҳ шафқатсиз, туйғусиз қотил,
Шариат унинг-чун бир ниқоб холос.

НОДИРА

(Телбанамо)

Болам... болам... болаларим... Ё Тангрим.
Эй, парвардигоро. Сабрим қолмади.
Қайси гуноҳим-чун бунча қийнайсан?
Ахир тугаб битди сабру қарорим.
Фарзандлар ўлимин кўргандан кўра,
Ўзимнинг ўлганим яхшимасмиди...
Қасос пайкониингни кўксимга йўлла,
Ажалнинг шарбатин ичказгин тезроқ...
Токи фарзанд ўти куйдирган чоғи,
Сенга исён қилиб гуноҳкор бўлмай.
Жоним ол, жоним ол, жоним ол...Тангрим...

(Оғир мусиқа, фонограммада узоқдан «Султон Баҳодирхон

келмоқдалар», «Амири Турон келмоқдалар» деган оғоҳлантирувчи хитоблар эшитилади. Эшик очилиб Амир Насруллоҳон кириб келади. Нодира беизтиёр юзини четга буради. Аёллар юзига парда тортадилар)

НАСРУЛЛОҲ

Тушунаман... Сизга қийин ушбу дам,
Наздингизда қонхўр қотил шоҳман мен.
Валек... Сиз ҳам тўғри анланг аҳволим,
Биз жанг қилдик. Шатранж ўйин қилмадик.
Қонли жангда мен енгилсам мабодо,
Шаҳзодалар куни албат бошимга,
Тушмоқлиги аён эди ҳаммага.
Шундоқ экан Оллоҳимдан ушбу дам,
Сизга сабр бермоғини сўрайман.

НОДИРА

Сабр учун бардош етмас ушбу дам,
Фарзандларим қатл этган зот қаршимга,
Гўё ҳеч гап бўлмагандай келса-ю,
Кўнгил сўраб турса, ё Раб, бу не ҳол.

НАСРУЛЛОҲ

Қазо Тангридандир, сабр бандадан.

НОДИРА

Икки кўзичоғи ўлган забонсиз,
Қўйнинг ҳам фарзанди доғида куйиб,
Жигари эзилиб тешилганлиги,
Ҳақида ривоят эшитгандирсиз...
Ахир мен инсонман, Онаман, Она...
Икки жигаргўшам қатл этилса-ю,
Наҳотки бу ҳолга сабр қилолсам.
Йўқ... Мен ҳам ўлимга розиман энди.
Тирик юрмоқ менга ўлимдан оғир.
Сиз инсон эмассиз, қассобсиз, қассоб...
Одамзотни қўйдаи сўювчи қаттол.
Қўлларингиз билан мана шу жисмим,
Тилка-пора қилиб қонимни ичинг,
Қатл айлаб мени ҳам шаҳид этингиз.

НАСРУЛЛОҲ

Дини Ислом улуғ билгай онани,
Шунинг учун мен сизни қатл этмасман.

НОДИРА

Сиз ҳам ўзингизча мусулмонсиз-да,

НАСРУЛЛОҲ

Алҳамдулиллоҳи Раббил оламин.
Ҳаққаст рост. Шундайдир. Шубҳангиз борму?

НОДИРА

Ҳа. Шубҳам бор. Чунки шаръан шундай-ки,
Аҳли мўмин бари бир миллат эрур.
Бир-бирига оға-ини, биродардир.
Биродарнинг қонин тўкиш Исломда -
Қотиллик аталмиш ҳамиша, ҳар он.
Қотил бўлмоқ эса, кофирга хосдир.

НАСРУЛЛОҲ

Диндош биродарни мен умр бўйи
Эъзозлаб келганман ва эъзозлайман.
Лек дини исломни поймол этувчи,
Кофирга нисбатан шафқатим йўқдир.
У отам бўлса ҳам, дорга тортурман.
Ва онам бўлса ҳам, қатл айлагайман.
Ўғлингизни барча аҳли уламо,
Кофир дея менга фатво бермишдир,
Фатвонинг мазмуни Сизга аёндир.

НОДИРА

Иғво. Фитна. Тухмат булар ҳаммаси.
Зулмингизга асосингиз шу бўлса,
Ноҳақдирсиз яратганнинг олдида.
Чунки Ойпош Умархоннинг аҳдига,
Кирмагани бор оламга аёндир.

НАСРУЛЛОҲ

Фақат бумас... Бошқа сабаблар ҳам бор,
Бизга бўйин эгмакликдан ор қилиб,

Ўрус шоҳга мактуб битмиш ўглингиз.
Ундан мадад, ёрдам - қувват сўрабди.
Миллатдошдан юз ўгириб, кофирга -
Меҳру муҳаббатин ошкор қилибди.

НОДИРА

Ўрус шоҳга мактуб битмоқни унга,
Мен маслаҳат берган эдим аслида.
Ўрусларни кофир демак ножоиз,
Ғайридиндир улар. Бу гап ҳаққаст рост.
Яратганни улар ҳам тан олгайлар.
Ўрус зотин ҳаммаси ҳам кофирмас,
Оллоҳ дегувчиси ғайридин, холос.
Лек муслим ичида сирти мусулмон,
Ичи куфроналар сон мингдан зиёд.

НАСРУЛЛОҲ

Ўша мактуб менинг қўлимга тушди,
Унда қурол-яроқ олмоқ ҳақида,
Гап борганди. Бунисига не дейсиз?

НОДИРА

Давлат ҳарбий иши билан қувватли.

НАСРУЛЛОҲ

Хўш, у қувват кимга қарши қўлланган?

НОДИРА

Салтанатнинг ҳимояси йўлида қўлланмоғи
Кўзда тутилган эди.

НАСРУЛЛОҲ

Қўйсангиз-чи!... Ҳимоямиш... хўш унда
Инглизча ҳарбий усул ўргатган,
Қонулли деб номланувчи капитан,
Бунда қандай илму ҳунар ўргатди?

НОДИРА

Абдусамад нойиб сизда мунтазам,
Ҳарбий қўшин тузган чоғи бизлар ҳам,
Ҳарбий ишни яхшилашга интилдик.

НАСРУЛЛОҲ

Боракаллоҳ... Ана, мақсад очилди.

НОДИРА

Салтанатда қилич тутган ўнлаб бек,
Сиз томонга мойил бўлиб турган чоғ,
Ўрус шоҳдан мадад кутиш айб эмас.

НАСРУЛЛОҲ

Ғайри динга бўйин эгиш - осийлик.

НОДИРА

Миллатдошин кўйдаи сўйиш - кофирлик.

НАСРУЛЛОҲ

Жаллод...

НАВКАР

Қиличимиз қонсираган.

НАСРУЛЛОҲ

Ушланг уни, тилларини суғуринг.

МУҲАМАДАМИН

(Жаллод йўлини тўсади ва итариб юборади).

Тегма, аблаҳ. ўлдирсанг мани э,дир.

(Жаллод амирга боқади. Амир тўхта деб имлайди).

НАСРУЛЛОҲ

Балли, балли. Ким бу кичик шербачча?

МУҲАММАДАМИН

Менинг исмим билсанг агар «ажал» сен учун,
Агар тирик қолсам бир кун албатта,
Қатли ногаҳондай бошинга бориб,
Отам билан амаким қасосини,
Оламан деб қаршингда онт ичаман.

НАСРУЛЛОҲ

Ёш шаҳзода. Кўрганимдан мамнунман.
Менга маъқул бўлди шижоатингиз.
Тавба қилинг. Гуноҳингиздан ўтай.

Ўзим тартиямга олайн сизни.
Дини ислом учун Сиздай гайратли,
Шижоатли йигитлардан кўп керак.

МУҲАММАДАМИН

Мен ёғийга асло бўйин эгмасман.

НАСРУЛЛОҲ

Мен Сизга мурувват кўрсатмоқчиман.

МУҲАММАДАМИН

Мен асло душмандан меҳр кутмасман.
Душманга бош эгиб тирик қолгондан,
Тик қолиб ўлмоқлик минг карра афзал.

НАСРУЛЛОҲ

Довюрак, шерпанжа йигит экансиз,
Минг афсус, товбага мойил эмассиз.
На чора, мажбурмен истагингизча,
Сизга мард ўлимин ато этмоққа.

НОДИРА

Йўқ...йўқ... Шошмангиз... Амир, шошилманг...
Шафқат қилинг унга, норасида у.
Айтган сўзларининг маъносин билмас.

НАСРУЛЛОҲ

Жуда яхши билар, сўзи маъносин,
Ҳам яхши билади менинг кимлигим.
Шу сабаб шафқат йўқ бу бекзодага,
Мумкин эмас унинг тирик қолмоғи.
Бир кун у бўй етиб бўлур қасоскор.

МУҲАММАДАМИН

«Алқасосул мин ал ҳақ» қуръон каломи
Мусулмон бўлсангиз, буни билурсиз.

НАСРУЛЛОҲ

Боракаллоҳ. Билурмиз, шунинг учун ҳам,
Қасос қиличини суғурилмасдан,
Қинда турган чоғи букармиз, албат!
Жаллод...

НАВҚАР

Қиличимиз қонсираган...

НАСРУЛЛОҲ

Шу фурсат қатл этинг бу шербаччани.

НОРБИБИ

(қўлида ханжар ялтирайди)

Йўқ, йўқ, ўғлимга яқин келма, эй қотил,
Аввал ўлдир мени, қатл истасанг.
Тирик бўлсам, болам асло бермасман.

ХУШХОЛБИБИ

(Тиз чўкиб)

Улуғ амир, парво қилманг, бола ёш.
Не деганин англамагай у ҳозир.
Мен розиман, майли мени ўлдиринг,
Фақат ушбу набирамга тегмангиз.
Қизим эса бир ожиза, бечора,
Ожизани қатл этманг, амирим.
Бу ўлимга чидолмайман асло мен.

(Амирнинг оёғига йиқилади).

НАСРУЛЛОҲ

(Бепарво)

Қасоскорнинг боши дарҳол кесилсин!

НОДИРА

(қичқиради).

Ботир қассоб, қўрққил Тангри қаҳридан,
Норасида гўдак қонин гўкмагин.

НАСРУЛЛОҲ

(Сокин)

Йўқ, маликам, энди ҳукмим қатъийдир,
Тангри шоҳид. Бунда келаётган чоғ,
Сизга шафқат қилмоқликни истовдим.
Аммо ҳозир фикрим буткул ўзгарди.
Гар она қуш ожиз, аммо қасосдан,
Қувват олиб ҳукм қилар илонга.

Фарқингиз йўқ она қушдан заррача.
Ер юзида гар Сиз тирик юрсангиз,
Ҳеч бир жойда менинг тинчим бўлмайди...
Жаллод... Аввал шаҳзодани қатл эт,
Сўнг буларни гесубурида айла.
Кокилларин қирқиб, сўнгра бошин кес.
Жасадларин ахтаҳона ичра кўм.

(Чиқиб кетади).

НОДИРА

(Ортимдан)

Лаънат сенга, ботир қассоб, минг лаънат,
(Оғир мусиқа янграйди. Нодира кўкка боқади)
Эй, яратган тангрим, омонатингни ол,
Ҳар қандай қисмат ҳам сенинг ўзингда.
Фақат иймонимдан айирма мени.
Ўзингдан бегона қилма сўнги пайт.
Менинг гуноҳларим мағфират айла,
Ортимдан дуогўй қолмади, нетай,
Барча мўминларни дуогўйим қил.
Улар дуо қилган чоғда ҳаққимга,
Ҳар бир дуосини ижобат айла.
Қиёмат тонгида мени ўзингнинг,
Суйган бандаларинг қаторида қил.
Ўзингнинг йўлингдан адаштира ҳеч,
Қабрим қайда бўлса, истагим шуки,
Уни жаннатингнинг бир боғчаси қил.
Ла-илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадан Расулиллоҳ.
Оллоҳ Акбар.

(Оғир мусиқа. Чироқ аста ўчади. Саҳна қоронғуликка чўмади. Йиғи овозлари. Жимлик. Илоҳий мусиқа. Тонг ёришган каби секин аста саҳна ёришади. Фаршталар Жаннатлардан Умархон, МуҳаммадАлихон, Султонмаҳмуд, МуҳаммадАмин, Нодира, Норбиби ва Хушхалбибиларнинг рўзини эъзозлаб олиб келадилар).

АМИР УМАРХОН

Тингланг, аҳли миллат, эй, аҳли олам,
Сизга сабоқ бўлсин бизнинг ҳолимиз.

НОДИРА

Ер узра икки йўл бордир инсонга,
Бирин танлай олмоқ Сизнинг ҳаққингиз.

МУҲАММАД АЛИХОН

Ул бири эзгулик - Тангри йўлидир,
Ул бири қабоҳат - шайтон йўлидир.

НОРБИБИ

Эзгулик йўлининг охири - жаннат,
Қабоҳат йўлининг охири - дўзах.

СУЛТОНМАҲМУД

Руҳимиз Раҳмонга етаклар бизни,
Нафсимиз Шайтонга бошлайди доим.

ХУШХОЛБИБИ

Ақл, иймон, инсоф, диёнат - Раҳмондир,
Жоҳиллик, залолат, куфрдир - шайтон.

МУҲАММАДАМИН

Яхшилик, мурувват, меҳр - Раҳмондир,
Ёмонлик, қотиллик, зулм - шайтондир.

НОДИРА

Ибодат, шеърият - Раҳмон йўлидир,
Очкўзлик, динсизлик - шайтон йўлидир.

УМАРХОН

Гуноҳкор вужудни ютар ер бир кун
Бағрида қуртларга тутар ер бир кун.
Борлиқ жисмингизда мужассам эрур,
Оллоҳ ҳам, Шайтон ҳам Сизда жам эрур.
«Нарса йўқким хорижий олам эрур»
Ҳар не истарсан ўзингда жам эрур.

НОДИРА

Истагинг эзгулик бўлсин, одамзот,
Икки дунёинг бахтга тўлсин, одамзот
(Илоҳий мусиқа. Чироқ ўчади.)

ТАМОМ.

ЎЗИМ ҲАҚИМДА

Мен, Нажмиддинов Зиёвиддин Шокирович, 1955 йилнинг 5 октябрида Андижон шаҳридаги Тўхтасин Келдиев кўчасида оддий ишчи оиласида туғилганман.

Дадам Шокирдин қори, эскича илми пухта эгаллаган, мураттаб қори эди. У Андижон шаҳар кўкаламзорлаштириш идорасида ишчи бўлиб ишлар эди. Онам Мақсудахон уй бекаси бўлиб, уй ишларидан бўшаганда дўппи учун жияк тўқир эди.

1972 йили ўрта мактабни тамомлаб Андижон Давлат Тиллар институтига ҳужжат топширдим. Аммо охириги имтиҳондан ўта олмадим...

Қурилишга кириб ишлай бошладим. Кундузи ишлаб, кечқурун тайёрлов курсига бориб ўқидим. 1974 йилда Тошкент Давлат Университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий Университети)га филология куллийетининг сиртқи бўлимига ўқишга кирдим. Ўқиш билан бир пайтда мактабда ўқитувчилик қила бошладим. Аввал Андижон туманидаги 48-мактабда, сўнгра ўзим ўқиган, шаҳардаги 27-ўрта мактабда ишладим. 1980 йилда университетни битирдим. Умуман олганда, жуда кўп жойларда ишладим. Шаҳардаги 29-мактабда, Андижон туманидаги 40-мактабда ўқитувчилик қилдим. Сўнгра яна Андижон шаҳридаги 29-ўрта мактабда бошланғич синфлар бўйича илмий бўлим мудирини, 8-ўрта мактабда катта илмий бўлим мудирини, 48-ўрта мактабда бошланғич синфлар бўйича илмий бўлим мудирини, Андижон шаҳар ХТБда она тили ва адабиёт фани бўйича услубчи бўлдим.

Асосан 1988 йиллардан бошлаб бадиий ижод билан шуғуллана бошладим. 1994 йилда «Сизга талпинаман» деб номланган биринчи китобим, 1998 йилда эса «Соғинч» деб номланган иккинчи шеърлар тўплами чоп этилди.

1991 йилдан Аббос Бакиров номли Андижон Давлат Ёшлар

1991 йилдан Аббос Бакиров номли Андижон Давлат Ёшлар театрида адабий маслаҳатчи бўлиб ишлаб бораётган бўлди.

1993 йилда «Мўъжизалар олами ёхуд Санъи нафиса» номли сценарийим саҳналаштирилди.

1997 йилда «Занжирбанд шеър» фожеа - фантазмагория жанридаги асарим айти шу театрда саҳналаштирилди ва республика телевидениесининг «Олтин фонд»га ёзиб олинди. Бу асар 1999 йили ўтказилган «Андижон баҳори-99» халқаро театр санъати фестивалида 2-ўринга; 2001 йилда ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилган республика телевизион фестивалида 3-ўринга сазовор бўлди.

2002 йилда Андижон Ёшлар телерадиокомпанияси Андижон Давлат Ёшлар театри жамоаси билан ҳамкорликда яратилган «Қисмат» деб номланган теленовеллам намойиш этилди.

1991 йилнинг 1 сентябрида Андижон шаҳрида ўтказилган Мустақиллик байрамида ва вилоят миқёсидаги барча байрамларда ўз сценарийларим билан иштирок этиб келмоқдаман.

2000 йилда Тошкентда бўлиб ўтган «Наврўз-2000», 2002 йилдаги «Наврўз-2002» умумхалқ байрамларида ўз сценарийларим билан қатнашдим. Камтарин меҳнатларим қадрланиб, ҳукуматимиз мени «Мустақиллик» нишони билан тақдирлади.

Айти пайтда учта қиз ва икки ўғилнинг дадаси ва битта набиранинг бобосиман. Турмуш ўртоғим Азизахон билан умргузаронлик қилиб, эл қатори яшаб юрибмиз.

Хуллас, баҳоли қудрат бир ижодкор фарзанд сифатида она ватанимнинг истиқлолини куйлаб келаяпман.

Оллоҳ умр берса, тан сиҳатлик берса, бундан буён ҳам келажаги буюк бўлмиш она халқимга, ҳур диёримга хизмат қилиш ниятидаман.

Зиё НАЖМИЙ.

Ўзбекистон Театр Ижодкорлари уюшмаси аъзоси.

Адабий-бадний нашр

Зиё Нажмий
«Занжирбанд шеър»
Драмалар.

Муҳаррир: П. Абдулла.
Тех. муҳаррир
(жамоатчилик асосида): М. Мирзакаримова.
Мусахҳиҳ: М. Усмон.

Муаллиф ушбу китобнинг нашр этилишида сидқидилдан амалий ёрдам кўрсатгани учун Андижон вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари, муҳтарам Маннон Ҳамидовга, «Ўзбектеатр» вилоят бўлими ходими Шарифахон Турсуновага, мусаввир Одилжон Нишоновга чин дилдан миннатдорчилик билдиради.

Босмахонага 2004 йил 29 ноябрда берилди.

Босишга 2004 йил 9 декабрда рухсат этилди.

Бичими: 60x84 1/16. Ҳажми: 5,25 босма табақ.

Буюртма № 2047. 1050 нусха.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Андижон нашриёт-матбаа» босмахонасида босилди.